

Қ.С. Рахманов, Б.Б. Алимов

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИННИҢ
ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛЫГИНИ
ОШИРИШДА АХБОРОТ —
ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Р-30.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

Қ.С. Рахманов, Б.Б. Алимов

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ФАОЛИЯТ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Рисола

114444 2 экз.
·TDIU
kutubxonasi 43

ARMAT

X

«Tafakkur qanoti»
Тошкент – 2019

Тақризчилар:

М.С.Якубов

Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот технологиялари” кафедрасы профессоры, техника фанлари доктори
Лойиҳа бошқаруви миллтий агентлиги “Лойиҳавий бошқарув ва стратегиялаш” бўлими катта мутахассиси

Рахманов Қ.С., Алимов Б.Б.

Давлат хизматчисининг фаолият самарадорлигини оширишда ахборот тизимларидан фойдаланиши. / Рисола. / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. / Тошкент. “Tafakkur qanoti”, 2019 й. 96 б.

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ПЗ-20170929253 – “Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш” мавзуидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Рисолада давлат хизматчиси фаолият самарадорлигини оширишда ахборот тизимларидан фойдаланишга алоҳида тўхталиб ўтилган. Давлат хизматчилари ахборот тизимларидан фойдаланишида нималарга эътибор беришлари лозимлиги, халқ билан мулоқотда қандай замонавий АКТдан фойдаланиш бўйича керакли маълумотлар келтирилиб, давлат хизматчиларининг южтимоий тармоқ ва электрон почтадан фойдаланишида нималарга эътибор беришлари лозимлиги ҳамда маълумотларни етказиб беришда инфографикадан фойдаланишга оид мавзулар ёритилган.

Шунингдек, рисолада хорижий давлатларнинг давлат хизматчилари томонидан фойдаланиб келингетган ахборот тизимлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Рисола давлат хизматчилари, олий таълим мусассасалари, таълим тизимидаги фаолият кўрсатгетган илмий ходимлар, соҳа мутахассислари ва кенг доирадаги ўкувчиларга мўлжалланган.

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил 17-июнданги б-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ҳозирги XXI аср – ахборот технологиялари асрида ҳаёти-мизни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)сиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшайпмиз. Ер юзининг қайсиидир бурчида қандай воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳакида дунёнинг бошқа бир чеккасида туриб зудлик билан хабардор бўлмоқда. Янгиликлар Интернет ва ижтимоий тармоқларда геометрик прогресия кўринишида тезлик билан тарқалмоқда.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, дея бепарво қараб бўлмайди. Ҳаётимизнинг бирор-бир соҳасини ахборотсиз тасаввур қила олмаймиз.

Маълум бир ташкилот мисолида кўрадиган бўлсак, агар у ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳа бўлишидан қатъи назар, ўз маҳсулотлари ёки хизматларини мижозларга етказиб бериш ҳакида қайғурмаса, мижозларнинг талаб ва таклифларини ўрганмаса ёки ўз рақобатчилари фаолияти билан танишиб чиқмаса, ўз келажагини тасаввур қила олмайди. Ҳозирда мижозлар билан ишлашда тескари алоқа биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, wearesocial.com¹ маълумотларига кўра 2018 йил бошида дунё аҳолиси 7,59 млрд. дан ошди. Уларнинг 55%и шаҳарларда истиқомат қиласди, аҳолининг 53%и эса, яъни 4,02 млрд. дунё аҳолиси Интернет тармоғи фойдаланувчилари ҳисобланади. Уларнинг 68%и, яъни, 5,1 млрд. аҳолининг ўз мобиль телефони мавжуд бўлса, 2,9 млрд. аҳоли ижтимоий тармоқларда фаол тарзда фаолият олиб борар экан.

2019 йилда дунё аҳолиси сони 2018 йилга нисбатан 1,1%га ошган бўлса, мобиль фойдаланувчилар сони 2%га, Интернет фойдаланувчилар сони 9,1%га, ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар сони 9,1%га ва мобиль телефон орқали ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони 10%га ошгай. Бу орқали жуда катта ҳажмдаги ўсиш тенденциясини кўриш мумкин².

Рақамлардан кўриш мумкинки, аҳоли билан мулоқот олиб боришда замонавий АКТдан фойдаланиш замои билан ҳамнафас бўлишга олиб келади.

Албаттага, ҳар бир ташкилот ёки муассаса ўз фаолиятида замонавий АКТдан самарали фойдаланиши лозим. Бу қандай амалга оширилади? Аввало, ташкилотнинг Интернет тармоғида ўз веб-саҳифаси ва ижтимоий тармоқларда (твиттер, телеграмм, facebook ва бошқалар) ўз каналлари бўлиши лозим.

¹<https://wearesocial.com>— “Биз ижтимоий тармоқдамиз” веб-саҳифаси.

²<https://wearesocial.com>— “Биз ижтимоий тармоқдамиз” веб-саҳифаси

Энди бу соҳани давлат бошқаруви даражасида кўрадиган бўлсак, унинг аҳамияти муҳимлигига амин бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил остида ҳар бир вазирлик, кўмита, банк ёки ташкилот фаолият олиб бориши лозим. Демак, бу ишни амалга оширишда, албатта, давлат хизматчилари замонавий АКТдан самарали фойдаланишлари лозим. Чунки вазирлик ёки кўмита битта бўлса, у хизмат кўрсатадиган фуқаролар сони 33 млн. дан ортиқ. Демак, улар билан мулоқотни йўлга кўйиш учун, Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқароларни рози қилиш учун фуқаролар билан мулоқот қилишнинг кулай бўлган воситаларидан фойдаланиш лозим. Бу эса замонавий АКТсиз амалга оширилмайди.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда давлат хизматчиларидан замонавий АКТдан фойдаланиш бўйича ўзига яраша малака ва билимлар талаб этилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Жаҳон банки томонидан “электрои хукумат” тизимини шакллантириш бўйича чиқарилган инфографикада энг муҳим бўлган йўналишлар келтириб ўтилган.



Жаңон банкининг очиқ муроқот инфографикаси.

Унда бежизга “Раҳбарият” энг юқори даражага қўйилмаган. Демак, “электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришда оддий сўз билан айтганда, раҳбар ходимлар ёки давлат хизматчилари нинг ўрни бекиёс. Бунинг учун эса давлат хизматчилари замонавий АҚТдан фойдаланишлари лозим ва бу, ўз навбатида, давлатда ошкоралик ва шаффоффликни таъминлашга хизмат қиласди.

Ушбу рисолада давлат хизматчилари ўз фаолият доираси самарадорлигини оширишда ахборот тизимларидан самарали фойдаланишида нималарга эътибор беришлари лозимлиги, халқ билан муроқотда қандай замонавий АҚТдан фойдаланишига оид мавзулар ёритилган.

Шунингдек, рисолада хорижий давлатларнинг давлат хизматчилари томонидан фойдаланиб келинаётган ахборот тизимлари ҳакида ҳам маълумотлар берилган.

1-БОБ. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

1.1. Ахборот – давлат бошқарувининг асоси

Давлат бошқарувини худди ахборот жараёни сифатида қараш мумкин, чунки унда ҳам ахборотлар олинади, тўпланади, қайта ишланади, узатилади ва ундан фойдаланилади. Иерархик бошқарув тизимининг ўзини эса ахборот тизими дейиш мумкин. Шунинг учун бошқарув жараёни қуидагиларни ўз ичига олади:

- ахборотни саклаш ва қайта ишлаш;
- бошқарув объектини функционаллаштириш ва ривожлантириш имкониятлари бўйича ахборотлар олиш;
- бошқарув обьекти бўйича бошқарув иатижалари тўғрисида маълумот олиш (тескари алоқа);
- олинган маълумотлар таҳлили ва у асосида обьектни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Амалиётдан маълумки, ихтиёрий давлат органининг (структураси, ходимлари) бирламчи фаолиятида ахборот муҳим аҳамиятга эга. Вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар ахборот орқали амалга оширилади. Ушбу жараёнларни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:

- ахборотни қабул қилувчи тизимни яратиш;
- ахборотни қайта ишлаш;
- ахборотни амалга ошириш.

Ахборот ёрдамида обьект ва субъект ўргасидаги алоқалар, бошқарув тизимининг бошқа элементлари ва фаолият муҳити орасидаги алоқа ахборотни бошқаришнинг асосий воситаси сифатида кўриб чиқиши имконини беради.

Давлат бошқарувида айланаётган маълумотлар турли хил бўлиб, ўзига хос табиати ва шаклларига эга. Ташқи сиёсат, иқ-

тисодий, ижтимоий-сиёсий, экологик ва бошқа тушунчаларни ифодаловчи янги - “давлат маълумоти” деган тушунча пайдо бўлмоқда ва у давлат ҳамда жамиятда амалга оширилаётган турли жараёнларнинг динамикасини ўз ичига олмоқда.

Давлат ахбороти ўз қийматига эга ва норматив ҳужжатлар, бошқарув қарорлари ва ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат килади.

Давлат органларини ахборотлар билан таъминлаш, маълумотларни қайта ишлаш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш асосий мақсад саналади. Бу мақсадга эришиш учун бир қатор масалаларни ҳал этиш лозим бўлади: бирламчи ахборотни йиғиш, саралаш, давлат органи бўлимлари ва ходимлари ўртасида маълумотларни тақсимлаш, қайта ишлаш учун тайёрлаш, тўғридан-тўғри қайта ишлаш, қайта ишланган кўринишда бошқарув органига тақдим этиш, таҳлил маълумотлари айланиши, тўғридан-тўғри ва қайта алоқаларни таъминлаш. Катта миқдордаги маълумотлар оқимидан самарали бошқарув ечимларини олишда замонавий АҚТдан фойдаланмасдан туриб керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Давлат бошқаруви органларига келаётган ва қайта ишланаётган ахборотларни йўналиши ва белгиларига кўра ҳар хил синфларга ажратиш мумкин. Ахборотлар расмий ва иорасмий, умумий ва соҳавий, горизонтал ва вертикал бўлиши мумкин. Бошқарув органида ахборотларни бўлишда, биринчи ўринда раҳбар учун ахборотлар ва иккинчи ўринда лавозим бўйича бошқа шахсларга тегишли ахборотлар ажратилади.

Маълумки, давлат бошқаруvida ҳажми, динамикаси ва ранг-бараанглигига кўра кўп миқдордаги ахборотлар айланади. Уининг бир қисми бошқарув ҳаракетига эга бўлса, бошқа қисми масштаби бўйича давлат ва жамият ўртасидаги миллионлаб

фуқароларининг қизиқишилари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ало-қаларни ўзида акс эттиради.

Ҳозирги вактда бутун дунёда бошқарув ахборотларини тартибга келтириш бўйича катта муаммолар мавжуд. Бу муаммони, ўз навбатида, Интернет тармоғидаги, умуммиллий ва жаҳон миқёсидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда ечиш талаб этилади. Бир нечта давлатларда “қоғозбозликка қарши кураш” бўйича меъёрий ҳукукий-хужжатлар қабул қилинганд³. Ҳозирги вактда давлат бошқарув тизимларининг имкониятларидан келиб чиқиб кўп маблағ талаб этмаган ҳолда, ташкилотнинг бошқарув ахборотини такомиллаштиришнинг бир нечта йўналишлари мавжуд.


Биринчи навбатда, бошқарув ахборотларининг ҳаракатлари ва уларнинг параметрларини ҳисобга олиш. Бошқарув ахборотларининг энг зарур масалаларидан бири сифатида унинг таҳорроланиши, параллел келиши ва дублерлиги ҳисобига ахборотнинг қисқариб кетишини олиш мумкин. Шунингдек, бошқарув ахбороти структурасини аниқ белгилаб олиш лозим. Чунки ахборот шундай ҳаракатланиши ва шундай параметрларга эга бўлиши керакки, у давлат бошқаруви органлари, рахбарлар ва бошқарув жараёни иштирокчиларининг ахборотга бўлган талабини қондириши лозим.

1.2. Ахборот тизимларининг давлат бошқарувидаги ўрни

Барчамизга маълумки, дунё аҳолиси сони 8 млрд. га яқинлашашётган бир даврда бутун дунёни Интернет глобал тармоғи эгаллаб олмоқда. Дунёning ихтиёрий нуқтасида бўлаётган воқеа

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 155-сонли Қарори. <http://www.lex.uz/docs/1659619>


ва ходисалардан дунё ахолиси кисқа сониялар ичиде хабардор бўлмоқда. Бунда, албатта, замонавий ахборот технологияларининг ўрни катта.



1.1-расм. Дунё бўйича 2018 йил ракамларда⁴.

1.1-расмдан кўриниб турибдики, 2018 йилнинг январь оидан бошлаб, дунё ахолисининг 53%и ёки 4,02 млрд. киши Интернет фойдаланувчилари, 5,2 млрд. киши уяли алоқа воситасига эга ва деярли 3 млрд. киши ижтимоий тармоқларда фаол эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ракамлар йил сайин арифметик прогрессия сингари ўсиб бормоқда.

⁴<https://wearesocial.com> – “Биз ижтимоий тармоқдамиз” веб-саҳифаси



1.2-расм. Дунё бўйича 2018 ва 2019 йиллардаги ўсии.

1.2-расмдан кўриш мумкинки, дунё аҳолиси 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,1% га ошган бўлса, мобиль телефондан фойдаланувчилар сони 2%га, Интернет фойдаланувчилари сони 9,1%га, ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар сони 9,1%га ва мобиль телефон орқали ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони 10%га ошган. Ушбу кўрсаткичлар жуда катта ҳажмдаги ўсиш тенденциясидан дарак беради.

Бу тенденция орқали, ўз навбатида, бир дақиқа ичида Интернетда нималар содир бўлишини, 2018-2019 йиллар кесимида ўзгариш динамикаси ҳам ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин (1.3-расм).

1.3-расмга кўра, фойдаланиш турлари бўйича айрим платформаларда фойдаланувчилар сони ошаётган бўлса (масалан, Google, Facebook, Youtube, Instagram, Netflix ва бошқалар), айримларида фойдаланувчилар сони камайиб бормоқда (масалан, Twitter, Snapchat ва бошқалар).

2018 This Is What Happens In An Internet Minute



2019 This Is What Happens In An Internet Minute



1.3-расм. Бир дақиқа ичидә Интернетта нималар содир бўлади?⁵

“Microsoft” асосчиси Билл Гейтс Интернет тўғрисида шундай деган: “Агарда сен Интернетда бўлмасанг, у ҳолда сен мавжуд эмассан”. Демак, ихтиёрий соҳа бўлишидан қатъи назар, ўз фаолият донрасини Интернет маконида “уй” қурмасдан, замонавий ахборот тизимлари ва инновацион технологиялардан фойдаланмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Демак, халқ билан мулоқот қилишда, албатта, Интернетдан самарали фойдаланиш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ташкилот битта, фуқаролар ва юридик шахслар эса кўп. Ҳар бир фуқарога етиб боришнинг энг яқин йўли ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, порталлар, сайtlар ва ҳоказоларни келтириш мумкнин.

⁵<https://www.visualcapitalist.com/what-happens-in-an-internet-minute-in-2019/>

Энди, “ахборот”, “ахборот технологиялари” ва “ахборот тизимлари” тушунчаларига қонунчилигимизда қандай таъриф берилганлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2002 йилнинг 12 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II сонли Қонунида ахборотга қўйидагича таъриф берилган: **Ахборот-** манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар ким ахборот излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш хукуқига эга. Ахборот олиш фақатгина қонунга кўра ҳамда инсон хукуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

Қонунда келтирилганидек, очиклик ва ошкоратик, ахборотдан ҳамма эркни фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик – ахборот эркинлигииning асосий принциплариидир.

Энди, “технология” сўзига тўхталадиган бўлсак, “технология” - юонча икки сўздан – “*технос*” (*technē*)- санъат, ҳунар ва “*логос*” (*logos*) – фан, таълимот сўzlаридаи олинган. Демак, таърифлардан кўриш мумкинки, ахборот технологиясини санъат фани десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилнинг 11 декабрь куни қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II сонли Қонунида ахборот технологияларига қўйидагича таъриф берилган: **Ахборот технологияси** – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услуглар, қурилмалар, усууллар ва жараёнлар.

Демак, оддий сўз билан айтганда, ахборотларни тўплашда электрон қурилмалардан фойдаланадиган бўлсак, ахборот технологияларидан фойдаландик, дейиш мумкин экан. Ахборотлар билан ишлаш орқали уларни электрон шаклда тўплаш орқали **ахборот ресурслари, яъни** ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасига эга бўламиз. Бу ўз-ўзидан ахборот тизимларининг пайдо бўлишига олиб келади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунда ахборот тизимида: “Ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, уига ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари”, деб таъриф берилган.

Ўз-ўзидан давлат бошқаруви тизимини ҳам ахборот тизимлари ва ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада давлат хизматчиларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишлари учун давлатимиз томонидан “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2015 йилнинг 9 декабрь куни қабул килинган Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги 395-сонли Қонунида: “**электрон ҳукумат** – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими”, деб таъриф берилган.

Кўринниб турибдики, ҳар бир давлат органи жисмоний ва юридик шахсларга АҚТни қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатиши шарт, деб қайд этилгаи. Шу билан бирга,

давлат хизматларини күрсатишида идораларо электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга алоҳида ургу берилган.

Давлат бошқаруви соҳасида ахборот тизимларини шакллантириш учун, авваламбор, ҳар бир ташкилот ўзининг миссияси ва функционал вазифаларини аниқ белгилаб олиши зарур.

Жумладан, ташкилот олдида қандай мақсадлар, қандай вазифалар турибди ва бошқарув фаолияти қандай амалга оширилади каби аниқ режаларни белгилаб олиш лозим.

Миссияси – ташкилотнинг асосий мақсади.

Мақсади – юксак орзуласар сари руҳлантириш.

Давлат хизматлари – жисмоний ва юридик шахслар учун кўрсатилаётган барча давлат хизматлари.

Масалаи, Сингапурнинг Давлат автомобиль назорати ташкилотининг миссияси ва мақсади сифатида қўйидагилар белгилаиган.

Миссияси – таълим, жалб этиш ва қоидаларни ижро этиш орқали йўл харакатининг барча иштирокчилари ҳавфсизлигини таъминлашни ошириш.

Мақсади – Сингапур йўлларини дунёдаги эиг ҳавфсиз йўлларга айлантириш (50 км/соат, ахборот компаниялари ва камералар, ёши катталар учун silver zone лар, светофор учун хариталар).

Шунингдек, Сингапур Таълим вазирлигининг миссияси ва мақсадида қўйидагилар белгиланган:

Миссияси – миллат келажагини белгиловчи инсонларни шакллантириш йўли билан миллат келажагини белгилаш. Таълим вазирлиги бизнинг фарзандларимизни баркаор таълим тизими билан таъминлайди, улар имкониятини ривожлантириб, уларни ўз оиласи, жамият ва давлат олдида масъулиятни хис киладиган фуқаро бўлиб этишишига ёрдамлашади.

Мақсади—«Фикрловчи мактаблар, ўрганувчи миллат» ғояси 1997 йилда эълон қилинган эди. У келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга дош бера оладиган ўйловчи фидокор фуқароларни ва XXI асрнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган таълим тизимини тасвирлайди.

Фикрловчи мактаблар доимий равишда ўз олдига аниқ мақсадлар қўядиган ва талаб қиласиган, инновация, креативлик ва изланувчанлик орқали энг зўр ўйларни танлайдиган ҳақиқий манъодаги таълим муассасаси бўлади.

Ўрганувчи миллат эса бутун ҳаёти давомида таълимни рағбатлантирадиган миллий маданият ва ижтимоий мухитни назарда тутади. Сингапурликлар ҳам шахсий, ҳам касбий нуқтаи назардан доимий равишда ўрганиш қобилияти ҳамда ўзгаришларга жамоавий тайёргарликни белгилаб беради.

Шиори: Биз самимилик ва ҳалоллик билан професионал хизмат кўрсатамиз.

Демак, ташкилот ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари асосида аниқ функцияларни бажариш жараёнларини баҳолаш мумкин бўлади. Бу орқали эса ташкилот фаолиятини ахборот тизими орқали шакллантириши ва ўз фаолиятини ахборот тизимлари орқали автоматлаштириши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқарув фаолиятининг ҳар хил турларига мос равишда ахборотга бўлган талаб ҳам турли хил бўлади. Бошқарув фаолиятини олиб бориша мунтазам назорат (кунлик, ойлик ва ҳоказо) қилиш мухим ўрин тутади.

Назоратни самарали амалга оширишнинг энг асосий йўли ахборотнинг тарқалиши ҳамда ўрнатилган стандартлар асосида натижаларга эришиш ҳисобланади.

Давлат бошқарувида назоратни амалга оширишда эса ахборот тизимларининг аҳамияти катта.

Ахборотларни хосил қилишнинг турли хил усуллари мавжуд: ўзини ўзи кузатиш (билими, тажрибаси, маълумоти, бошқарув фаолияти ва коммуникативлиги), ўзаро алоқалари, хабарлар (хатлар, файллар ва бошқалар) ва аналитик таҳлил.


Шундай қилиб, бошқарув соҳасида ахборот-бошқарув жараёнининг вазиятини тавсифловчи, келажак ҳақида башоратни амалга оширадиган, аниқ маъмурий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдали бўлган, бирор масалаларни ечиш ва тушунтириш учун муҳим восита саналади. У тушуниладиган ва баҳолангандаги маълумотдир.

Бошқарувда ахборот ҳар қандай маълумот, хабарлар, маълумотлар масала ечимини шакллантириш жараёнида қўллашибилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ташкилотнинг тузилишидан келиб чиқсан ҳолда ундаги маълумотлар оқимини тасаввур қилиш мумкии. Ахборот тизими таъмиюти ва ташкилотнинг бошқарув тузилиши орасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик мавжуд. Ахборот тизими, оддий қилиб айтганда, ташкилотнинг ички асосини ташкил этади. Агарда ташкилотнинг бошқарув структураси ўзгарса, автоматик равишда ахборот оқими ҳам ўзгарилиши мумкин.

Ташкилотнинг ортиқча бўлимларга бўлиниши ва улар орасидаги номувофиқ координация ахборотлар оқими ўртасидаги мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ташкилот структурасининг тез-тез ўзгариб туриши бошқарув ахборот тизимини қуриш динамикаси ва мослаптувчалигини чеклайди.

Бошқарув тизимларини тақомиллаштиришнинг энг асосий йўналиши сифатида барча жабхаларда замонавий, юқори санарадорли компьютер технологияларини оммавий тарзда қўлланилишини келтириш мумкин. Замонавий (АКТ) ташкилот-



нинг бошқарув структураси, регламенти, кадрлар салоҳияти, хужжатлаштириш тизими, ахборотни узатиш ва аниқлаш тизимининг ўзгаришига олиб келади.

Ахборот орқали бошқарувни татбиқ қилиш алоҳида аҳамиятта эга бўлиб, ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконийатларини сезиларли равишда кенгайтиради.

Ахборот орқали бошқарув тизимини ривожлантириш ахборот ва билимларни қайта ишлаш, уни босқичма-босқич интеграциялашган автоматлаштирилган бошқарув тизимларигача ривожлантириш, ташкилотнинг барча даражадаги йўналишларини вертикал ва горизонтал тарзда қоплашгача имкои беради.

Охиргун йилларда ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ ва Японияда бошқарув тизимлари ижодий ахборот технологияларига мос равишда ривожланиб бормокда. У юқори мақсадларга эришиш учун ахборотларни тўлиқ айланиш циклини (қайта ишлаш, узатиш ва бошқалар) қамраб олмокда. Буни, одатда, ахборот технологияларининг учинчи авлоди дейишидади. У бошқарув тизимини компьютерлаштиришнинг энг олий босқичи саналиб, компьютерлар орқали бошқарув тизими, инсон ақлий меҳнати кучи ва электрон техника кучларини ижодий жиҳатдан бирлаштиради.

Бошқарувни тўлиқ қамраб олган интеграцион автоматлаштирилган тизим қуидаги ахборот-бошқарув жараёнларини қамраб олади: алоқа, тўплаш, сақлаш ва керакли ахборотга рухсат, ахборотларни таҳлил қилиш, индивидуал фаолиятни қўллаб-куватлаш, дастурлаш ва маҳсус масалаларни ечиш.

Бошқарув ахборот фаолиятини замонавий автоматлаштиришнинг асосий йўналишига қуидагилар киради:

- ахборот алмасиши жараёнини автоматлаштириш;
- электрон почта;
- ички алоқа воситалари;

- тармоқ;
- Интернет;
- ахборот тизимлари;
- идораларо интеграцион ахборот тизимлари;
- электрон хужжат алмашып тизими;
- видеоинформацион тизимлар;
- электрон рақамли имзо ва бошқалар.

Юқори тезликдаги ахборотларни узатиш тармоғи ва юқори самарали компьютер технологияларини татбиқ этиш орқали қурилган замонавий ахборот технологиялари ахборотларни түплаш, нафакат матнли ёки график, балки аудио-видео шаклдаги катта миқдордаги ахборотларни түплаш ва қайта ишлаш имконини беради.

Замонавий ахборот технологиялари орқали ўз фаолиятини такомиллаштириб бориши “электрон ҳукумат” тушунчасининг пайдо бўлишига замин яратди. Ҳозирда ҳар бир ташкилот ўз олдида турган вазифаларни бажариши учун, албаттa, “электрон ҳукумат” тизимларидан фойдаланиши зарур. Агар олдин давлат секторлари ахборот технологияларини факатгина ички фойдаланиш учун ишлатган бўлсалар, ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган ва электронлаштириш асрида “тезлик, энг яхши, арzon ва қулай” тамойиллари асосида фаолият олиб бормоқда. Бунда, албаттa, давлат хизматларини ҳисобга олган ҳолда фаолият олиб бориши зурур.

Шундай қилиб, “электрои ҳукумат” тизими орқали фуқароларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир давлат ўз давлат хизматларини таклиф этиши лозим.

Ҳар бир фуқаро давлат хизматчилари томонидан кўрсати-лаётган давлат хизматлари учун у ёки бу идорадан бошқа идорага маълумотнома каби хужжатларни олиб юришлари керак

эмас. Бу ишлар фуқаронинг иштирокисиз амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Конунининг 8-моддасида: “Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат қўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади, бунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равища, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади”.

Конунга кўра “электрои ҳукумат”нинг асосий принциплари деб қуидагилар белгиланган⁶:

- давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги;
- электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равища фойдаланиши;
- «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;
- давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;
- электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;
- электрои давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориши;
- ахборот ҳафсизлигини таъминлаш.

Демак, “электрон ҳукумат” тизими асосида қуидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

1. Ахборотлашган жамият иштирокчилари учун давлатнинг очиқлиги ва шаффоғлигини ахборот тизимларини қўллаш ор-

⁶ “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. З-15 б.

қали таъминлаш давлат ва жамият ўргасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

2. Фуқароларга давлат хизматларини тақдим этиш сифатини ошириш ва соҳасини кенгайтириш.

3. Давлат органлари фаолиятини оптималлаштириш (бошқарувни иомарказлаштириш, ахборот тизимлари, давлат органлари орасидаги ахборот алмашиш жараёнини яхшилаш орқали бошқарув юкламасини камайтириш, фуқаролар учун кулай бўлган давлат хизматларини тақдим этиш).

4. Бошқарувдаги бюджет харажатларини оптималлаштириш.

Шунинг учун ҳар бир давлат бошқарув органи зиммасида ўз фаолият доирасини оптималлаштириш учун қуйидаги вазифалар кўйилган:

- хужжатларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- ижро интизомини мустаҳкамлаш;
- иш юритиш тартибини яхшилаш;
- ташкилотлар ўргасида ахборот алмашинувини тезлаштириш;
- қарорларни қабул қилиш тартибини соддалаштириш;
- ташкилот ва фуқаролар ўргасидаги ҳатолар сонини камайтириш ва иш вақтини сунистельмол қилишни камайтириш;
- фуқаролар олдида давлат бошқарув органлари обрў-эътиборини мустаҳкамлаш;
- ҳалқаро майдонда давлатнинг позицияларини ҳимоя қилиш.

Бошқарувда бюджет харажатларини оптималлаштиришда ёки иқтисод қилишда ахборот технологиялари қуйидаги афзаликларга эга:

- операциои харажатларнинг камайиши, яъни ишларни амалга оширишда давлат хизматчилари учун фуқароларни қабул қилишда вақтнинг тежалиши, бунда 75% иш вақти тежалиши мумкин (ахборотларни кидириш, таҳлил, ҳисобот ва мъ-

лумотларни тайёрлаш, ечимларни тайёрлаш, телефон сұхбатлари, ташриф буюрувчиларни қабул қилиш, хатоларни түғрилаш ва зиддиятли вазиятларни мұхокама қилиш) ва бино жаражатлари камайиши, почета жүннатмалари ва телефон сұхбатларига тұловвлар ва әхтиёт қисмлар харажатлари;

– расмий шаклдаги күплаб тадбирларни ўтказишдаги жаражатларнинг қисқариши, норматив хужжатларни мажбурий тарқатиши ва тақсимлаш, давлат бошқаруви органлари позицияси ва фуқароларни құллаб-қувватлашга йўналтирилган PR ҳаракатлар ва башка тушунтириш ишлари, ташкилотни қайта ташкил этиш бўйича, яъни ваколатини ўзгартириш, кўчиши, ташкилот компетенцияларининг ўзгариши каби ҳар хил тадбирлар орқали алоқа қилиш;

– давлат әхтиёжлари ва ресурсларни тақсимлаш учун танлов асосида тўғридан-тўғри харидларни амалга ошириш катта иқтисодий самара беради, ресурсларни сотишни амалга оширишда бир неча ҳолларда 1,5–4 маротабагача ҳаражатлар қисқаради;

– ташкилотнинг иш самарадорлиги, күплаб мурожаатларни тўғридан-тўғри кўриб чиқилиши иқтисодий самарадорликни ошириб, соликлар тушумини кўпайтиради, ҳар хил иқтисодий низоларда давлат манфаатларини яхши ҳимоя қиласади;

– юридик ва жисмоний шахслар учун давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари билан алоқа қилиш вақтини камайтириш ҳисобига жисмоний ва юридик шахсларнинг вақт йўқотишларини камайтиришнинг бевосита иқтисодий самараси;

– давлатнинг инвестицион жозибадорлигини оширади ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг ҳам бевосита иқтисодий самараси катта.

Демак, давлат бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйиш жамиятнинг ҳар томонлама ривожла-

нишига ҳисса қўшади. Бунда ижро этувчи органлар жамоатчилик билан алоқаларни ўрнатиши учун янги замонавий технологиялардан фойдаланиши, ўзаро мулокот, ўзаро ишонч ва давлат ҳокимияти очиқлигини ахборот тизимлари орқали амалга ошириш давлат хизматчиларига ҳам қулайликлар яратади.

Бу давлат хизматчилари ва жамоатчилик билан ўзаро алоқа тамоилиллари асосида “электрон ҳукумат” тизимини куришда катта самара беради.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлиқ даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологиилар ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Сайтдан “ташриф қофози” сифатида фойдаланиш кўплаб компаниялар учун уларнинг сайatlари – “алоқа ўрнатилувчи биринчи нуқта” ҳисобланади. Кўргазмада таништан одамингизга ташриф қофозингизни (визитка) берсангиз, у ерда сайtingиз манзили ва Сиз билан боғланиш учун телефон рақамлари мавжуд бўлади. Эҳтиёткор мижоз Сизга ташриф қофози сифати ёки ундаги олтин рангли нақшга қараб баҳо бермайди, у кимлигингизни аниқлаш учун сайtingизга ташриф буюриши турган гап. Шунда айнан сайт Сизнинг ташриф қофозингизга айланади.

Бизнесингиз замони билан ҳамнафасми? Замон билан ҳамнафас бизнес истеъмолчиларга, аслида, маҳсулот эмас, гўзалликка дахлдорлик ҳиссини тақдим этади. Бундай бизнеснинг сайти ҳам мижозларда унинг ёзилган иоми, таомномаси ва арт-директорининг имижи сингари ўзгача эстетик завқ уйғота олиши лозим.

Мукаммал логотип ёки бренд – компания имижини бутилай янгилашга карор килиб, етакчи агентликка ўз компаниянгизнинг янги брендини ишлаб чиқиш учун буюртма бердингиз, кейин эса буларнинг барчаси биргаликда қимматга тушшини ўйлаб, сайtingизни арzonроқ нарх айтган мутахассисларга ишондингиз. Бунда Сиз пулдан ютмайсиз, ишонавернинг! Аксинча, яратилган янги брендбук/логотип қадри йўқолиб, унинг устида иш олиб борган ўша етакчи дизайнерлар меҳнати бир пул бўлади.

Бизнесингиз онлайн хизмат кўрсатишдан иборатми? Пухта яратилмаган сайт – бу нафақат кўркинчли ёки бемаъно расмлардан иборат дизайн, балки нокулайлик дегани ҳамдир. Онлайн хизмат кўрсатишда сайт қулайлиги жуда муҳим, негаки, муваффақиятни конверсиянинг ўндан бир қисмигина аниқлаб беради. Шунинг учун ҳам дизайндан пулни аяш бизнесни муваффақиятсизликка маҳкум қилишдир.

1.3. Хорижий мамлакатларда давлат хизматчиларининг ахборот тизимларидан фойдаланиши тажрибаси

Жанубий Кореяда нафақат фуқаролар учун, балки давлат хизматчилари учун ҳам давлат томонидан кўплаб қулай шароитлар яратилган. Шулардан бири сифатида 2010 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Smart Work Center (SWC)–Ақлии иш жойи марказларини келтириш мумкин.

Бундай марказлар давлат хизматчиларини узоғини яқин қилишга хизмат қиласди. Маълумки, ҳар бир давлат хизматчиси ўз лавозим даражасида ташкил қилинган иш шароитларида фаолият олиб бориши керак. Албаттага, бунда унинг яшаш манзилидан иш жойигача бўлган масофа ҳам инобатга олиниси зарур. Ҳозирги вактда Кореяда шундай марказ-

лардан 30 таси фаолият олиб бормокда. Шулардан: 5 таси Сеулда бўлса, 15 таси-маҳаллий ҳокимиятларда ва қолган 10 таси транспорт вокзаларида жойлашган. Ушбу марказлар фаолияти натижасида давлат хизматчиларининг ишга бориш вақти 92 минутдан 3 минутгача қисқарган⁷. Мазкур марказлар давлат хизматчилари учун қулай бўлган Интернетга уланган компьютер, семинарлар ўтказиш ва дам олиш учун хоналар ҳамда давлат хизматчилари учун қулай бўлган барча буюмлар билан жиҳозланган.

Ҳар бир марказда “электрон ҳукумат” тизими ва давлат платформаларига тегишли бўлган ихтиёрий ахборот тизимларига кириш имконияти мавжуд. Бу орқали ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги таъминланган.

Ушбу марказдан фойдаланувчиларнинг марказга бўлган муносабати орқали уларни рағбатлантириб бориш тизими йўлга қўйилган. Марказда фаолият олиб борувчилар худди ўз иш жойида фаолият олиб бораётгандек уларга ойлик маош тўлаб борилади.

Буни Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, вилоятдан Тошкентга хизмат сафари билан келган бирор-бир давлат хизматчиси ўз фаолиятини Тошкентда жойлашган шундай марказларда олиб борган ҳолда иш жойи билан алоқани узмай топшириклар бериши ёки олиши ҳамда уни бажариши мумкин. Керак бўлса, ҳар хил учрашув ва семинарлар ҳам ташкил қилиши мумкин бўлади. Давлат хизматчиси томонидан ҳеч қандай ҳаржат талаоб қилинмайди.

Бундай марказларнинг самарадорлиги юқорилиги сабабли, уларни қуришда давлат шерикчилиги асосида хусусий секторни жалб қилиш, улар сонинни ошириш орқали бутун давлатни қам-

⁷<https://www.smartwork.go.kz> - Ақлли иш жойи марказ сайти веб-саҳифаси.

раб олиш, улар самарадорлигини ошириш режалаштирилган. Келажакда интеллектуал SWСларни очиш режалаштирилган.

Масалан, электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатилиши Жанубий Кореяда давлат бюджети маблағларининг 1 млрд. доллар микдорида тежалишига олиб келиб, 9 мингта давлат хизматчиси сони қисқарган. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, умумий ижтимоий-иктисодий самара эса 16 млрд. долларни ташкил этган.

Сингапурдаги савдо декларацияларини 100% электрои тарзда топшириш ва кўриб чиқишини назарда тутувчи «TradeNet» тизими ушбу мамлакатнинг халқаро савдодаги ўрнини сезиларли даражада яхшилаган.

Эстониядаги ягона давлат электрон тизими давлат Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 2% тежалишини таъминлаган. Эстония соликлар йигиш ва Электрон иктисолиёт индекслари бўйича биринчи ўринни эгаллайди.

Эстонияда SIM карталарда Мобил ID (mID) рақамли имзо тизими жорий этилган. Мобил ID дан фойдаланиш шахсий компьютерларга ҳеч қандай дастурий таъминот ўрнатишни талаб қилмайди, аниқ бир веб-браузерни сўрамайди, ихтиёрий мобиль телефонда ишлай олади ва mID ихтиёрий алоқа оператори томонидан қўллаб-куватланади⁸.

mID орқали 2007 йилдан бошлиб қуйидаги ишлар амалга ошириб келинмоқда:

- банк операциялари;
- Интернет орқали овоз бериш;
- хужжатларни имзолаш;
- ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун ариза бериш;
- хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя;
- солик декларацияларини тўлдириш;

⁸ Ega.ec

- мактаб ўқув режаси ва баҳоларга рухсат бериш;
- бизнесни рўйхаттга олиш ва бошқалар.

mID орқали бир йилда 25 млн. операция амалга оширилиб, 300 дан ортиқ давлат хизматларидан ҳар бир фойдаланувчи ўртacha 300 та операциядан фойдаланган.

mIDдаги рақамли имзо орқали битта операцияга кетадиган вақтни 20 дақиқага иктиносод қилган.

mID ва eID (электрон ID) дан фойдаланувчи фуқаро ҳар бир 5 иш кунида тежайдиган вақти бутуи Эстония бўйича ЯИМнинг 2% миқдорида маблағни тежашга имкон берар экан. Одатда, Эстония ЯИМнинг 2%ини мудофаага сарфлар экан.

2018 йил яқунларига кўра, 524 млн. операциялар электрони рақамли имзолар орқали амалга оширилган. Бунинг натижасида фуқаролар ва компаниялар 630 млн. евродан ортиқ маблағни тежашга ҳисса қўшган.

Давлат хизматларини ойлайн форматга ўтказиш Қозогистондаги майший коррупцияни 67% қисқартирди.

Ўзбекистонда эса куйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- давлат органларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бошланган;
- барча ислоҳотлар халқ ва давлат орасидаги масофани кескин қисқартиришга қаратилган;
- давлат хизматлари кўрсатиш алоҳида долзарб ижтимоий-иктисодий масалага айланмоқда;
- давлат хизматлари агентлиги ва давлат хизматлари марказлари ташкил этилди;
- ягона давлат интерактив хизматлари портали мавжуд;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада

комплекс ривожлантириш чоралари ҳакида»ги ПҚ-4193-сон Қарори имзоланди⁹.

Қарорга кўра, бизнес юритишда ортиқча бюрократик жарайнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида 2019 йил 1 июндан бошлаб:

– жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида фуқаролар доимий (вақтингча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилидан (жойлашган еридан) катъи иазар, давлат хизматларини экстерриториал тамойил бўйича олишга ҳақли;

– давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этганда, давлат божи, йигимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади;

– Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари учун давлат божлари ва йигимларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишида тақсимланади;

– давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланадиган рўйхат бўйича маълумотларин ўзларининг маълумотлар база-

⁹<http://www.lex.uz/docs/4203364>

ларига ва ахборот тизимлариға электрон күринишда электроны маълумотлар базаларини шакллантириш учун киритиб борадилар.

Шунингдек, Республика Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа идора ва ташкилотларга ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идоравий ахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларни «Электрон хукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилишини ҳамда Агентликка зарур ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имконини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бундан кўришимиз мумкинки, аста-секинлик билан хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдалангандан ҳолда давлат хизматчилари фаолиятини автоматлаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ахборот ва маълумотларни «Электрон хукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши давлат хизматчиларининг фаолиятини сезиларли даражада кулайлаштиради.

2-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

2.1. Ўзбекистонда давлат хизматчиларини ахборот тизимларидан фойдаланишининг жорий ҳолати

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017 йилдан бошлаб юртимизда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни олиб боришда фавқулодда ҳолат эълон қилганликлари муносабати билан юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда ривожланиш жадал тезликда олиб борилмоқда. Бу ривожланиш тезлигига бардош бериш ва у билан ҳамнафас ҳаракат қилиш ҳар бир давлат хизматчисидан катта масъулиятни талаб этади. Юртимиздаги ҳар бир фуқаро бу ислоҳотлар таъсирини ўзи ҳис этмоқда ҳамда ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили остида ҳар бир ташкилот хизмат қилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир ташкилотнинг фаолиятига бундан кейин халқ баҳо беришини, шунинг учун ҳар бир ташкилот ўз фаолиятини олиб боришда халқ манфаатларини ҳисобга олиб, уларга очиклик ва шаффоғликтини таъминлаган ҳолда хизмат қилиши кераклиги очик-ойдин қайд этилди. Очиклик ва шаффоғликни таъминлашда эса ахборот тизимларининг аҳамияти катта.

Лекин ҳозирги даврда давлат хизматчиларининг ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳолатини самарали деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатно-

масида давлат ташкилотлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишда узундан-узоқ навбатлар юзага келиши қаттиқ танқид остига олинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasида бу соҳани ривожлантириш борасида: “Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифамиз – “Электрон ҳукумат” тизими самарали ишлацини таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳажмда ишламаяпти. Айрим ндоралар эса бу тизимга ёки уланмагаи, ёки очик айтадиган бўлсак, уни нима қилишни ҳам билмайди.

2016 йилдаги айрим фактлардан ўзингиз хулоса чиқариб олиниг. Давлат хизматлари ягона порталига 534 минг фукаро ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлардан 6 мингдан ортиғи ёки кўриб чиқилмаган, ёки уларга ўз вақтида жавоб берилмаган.

Рўйхатга олинган 4 мингдан ортиқ норматив-хукукий ҳужжатнинг атиги мингга яқини тизимга жойлаштирилган. Туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг кўпида ушбу тизим самарасиз ишлатилмоқда.

Хатто технологик жараёнларни ва бошқариш тизимларини такомиллаштиришга жиддий эҳтиёж бўлган йирик корхоналар, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари ҳам АҚТни жорий этишда зарур ташаббус кўрсатмаяпти. Улар қаторида “Ўзбекнефтгаз”, “Ўздонмаҳсулот” компаниялари, “Ўзфармсаноат” концерни, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ҳам бор.

Бундай юзаки ёндашув билан кўплаб муаммоларимизни ечишимиз мумкинми? Шу сабабли яқин вақт ичидан ана шу ишлар аҳволини мухокама қилиб, бу борада тасдиқланган Миллий дастурни бажаришнинг самарадорлиги юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, истиқболдаги вазифалар тўғрисида ахборот бериш керак”, – дея таъкидлаган.

Бундан кўриш мумкинки, ташкилотда АҚТдан фойдаланишни тўғри ташкил этиш орқали ташкилотнинг фаолияти очиқлиги ва шаффоғлиги таъминланиши билан бирга, ташкилот ўз мижозлари ва халқ олдида обрў-эътиборга эга бўлади.

Бундан кейин ҳар бир ташкилот ўз фаолиятида АҚТ ва ахборот тизимларидан фойдаланиши лозимлиги таъкидлангани ҳолда аҳоли билан мулоқот юритишини соддалаштириш мақсадида 2016 йилнинг 24 сентябридан rm.gov.uz – мурожаатлар портали ишга туширилган эди.

2019 йил июль ойига келиб, портал орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг 3 млн. дан ортиқ мурожаатлари келиб тушди. Бу мурожаатлар юртимиздаги мавжуд муаммоларни очиб берибгина қолмай, халқимизнинг улар билан мулоқот юритишда замонавий АҚТдан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатиб берди.


Бу эса давлат хизматчиларидан жисмоний ва юридик шахслар билан мулоқот олиб бориша ахборот тизимларидан фойдаланиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташкилотлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда сансалорлик, лоқайдлик, коррупция ва бюрократия каби иллатларнинг кўпайиб кетганлиги таъкидланганди. Бу эса давлат хизмати кўрсатувчи

ташкилот томонидан ахборот тизимларидан самарали фойдаланилмаётганидан далолат беради.


Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ташкилот томонидан давлат хизматларини кўрсатишида ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйган ҳолда ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ёки дастурий таъминотлардан фойдаланилганда эди, унинг самараси иккала томонга ҳам намоён бўлар эди.

Биринчидан, давлат хизматчисининг иш жараёни осонлашиса, иккинчидан, унга келиб тушган мурожаатларга тўғри жавоб бериш жараёни ҳам осонлашган бўлар эди.



2.1-расм. Роллар нотўғри тақсимланган

Роллар нотўғри тақсимланган: масъуллар ҳар сафар раҳбар томонидан тайинланади, ходимлар ишии фақатгина тўғридан тўғри кўрсатма асосида бажаришади. Бунда раҳбарнинг роли – ижрочи.



2.2-расм. Роллар түгри тақсимланган

Роллар түгри тақсимланган: барча масъуллар белгиланган, ходимлар жараёи доирасида функционал алоқада. Бунда раҳбаринг роли – назоратчи.

Демак, ишларни түгри тақсимлаш орқали юкори самардорликка эришиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда жараёини түгри таҳлил қилмаган ҳолда, яъни соддалаштиrmай ва ортиқча жараёнларни олиб ташламай, унга ахборот тизимларининг татбиқ этилиши тескари натижа бериши тайин. Шуинг учун, ахборот тизимларини татбиқ этишда албатта, жараён тўлиқ соддалаштирилган ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Бу орқали биз давлат хизматчисининг иш фаолияти самарадорлигини ахборот тизимлари орқали оширган бўламиз.

Агарда давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаб бориш тизими жорий этилса, яъни давлат хизматчисининг фаолиятини жамоатчилик назорати остида баҳолаш йўлга қўйилса, бунинг самараси катта бўлади.

Давлат хизмати — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат.

Шуиниси аниқки, давлат хизматчилари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш бюрократия ва коррупциянинг олдини олишга, давлат хизматларини кўрсатишида қулайлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга, давлат хизматчилари томонидан касбий этика қоидалари ва функционал вазифаларига амал қилиш, шунингдек, масофадан туриб хизмат кўрсатиш ва давлат хизматчиси фаолиятини баҳолаб боришга имкон бўлади.

Албатта, ҳар бир давлат хизматчиси томонидаи фаолияти мониторингининг очиқ ва ошкора тарзда юритилиши ва фаолияти баҳолаб боришлиши натижасида уларни рағбатлантириш бўйича мезонларни шакллантириш мумкин. Шунингдек, бунда унинг фаолиятига баҳо берувчи халқнинг баҳоси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги Ф-5146-сонли Фармойишнинг 3.7-бандига кўра¹⁰, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хукук-тартибот органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолаш майдончасини, шунингдек, аҳоли билан ишловчи давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини ишлаб чикиш вазифаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Аддия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Савдо-саноат палатаси зиммасига юклатилган.

Давлат хизматчиларини баҳолаш тизими кўрсаткичлари ва мезонлари мустақил тарзда давлат ташкилотлари томонидан

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Ф-5146-сонли Фармойиши 3.7-банди. Iex.uz.

кўрсатилаётган давлат хизматларидан фойдаланувчилар томонидан баҳоланади.

Давлат ташкилотлари фаолиятини қуидаги мезонлар орқали баҳолаш режалаштирилган:

- давлат ташкилотлари хизматчиларининг компетентлиги, хушмуомалалиги ва хайриҳоҳлиги;
- давлат ташкилоти томонидан кўрсатилаётган хизматиниг сифатидан қоиқиши.

Хозирда бу тизимни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Давлат хизматчилари ва умуман, фуқароларни ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда хорижий давлатлар тажрибасини олдинги параграфларда кўриб чиқкан эдик.

2.2. Ахборот тизимлари жорий этилишидан олинадиган самара

Фуқарога қандай фойда беради? Давлат бошқарувига АҚТнинг жорий этилиши барча фуқароларга фойда бермасдан қолмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, давлат бошқарувига АҚТнинг жорий этилиши билан сарфланадиган харажатлар давлат ва давлат хизматчисининг асаби, вақти ва давлат бошқаруви органларининг ўзаро интеграцион алоқада бўлишига сарфланадиган бошқа чиқимларни тежаб қолиниши эвазига тезда ўзини қоплади ва давлат бюджетига катта фойда келтиради. Албатта, бундан фуқароларнинг ҳам харажатлари камаяди.

Ҳар бир фуқаро коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва паспорт стодидан маълумотнома олиши учун толиқтирувчи навбатда туришлар, пенсия ишларини расмийлаштириш, ҳар хил маълумотномалар олиш билан боғлиқ ортиқча тартиб-қоидалар, солиқ декларациясини тўлдириш учун туман ёки шаҳар мар-

казига мунтазам равишда қатнаш, йўлкира харажатлари, вактнинг кетиши, сарсонгарчиликлар билан боғлиқ вазият узлуксиз тақрорланиб туради.

Шуинингдек, фуқаронинг давлат бошқаруви органлари ходимлари билан мулоқоти давомида юзага келадиган бу кундалик ташвишларнинг охири йўқ оқими бизларнинг ҳар биримиздан жисмонан ҳозир бўлишии, хонама-хона юриш ва айни бир масала юзасидан кўп сонли амалдорлар билан бевосита мулоқотда бўлишини талаб этади. Бундан ташқари, турли хил қоғозбозликларга тоқат қилиш зарурлигини айтмайсизми?

Шунинг учун, давлат бошқарувига, хусусан, фуқаролар билан ишлашда, яъни G2C тизимнга АКТ жорий этилишининг биринчи ва асосий ютуги ушбу барча харажатлардан ҳалос бўлишдадир. Бунда, албатта, давлат органлари, банклар, нотариус идоралари, ташкилотлар – барчаси киради.

Фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишининг олди олинади ва уларнинг вақтлари қисқаради. Бунинг учун, албатта, фуқароларга уларнинг кундалик зарур давлат хизматларини интерактив давлат хизмати шаклига ўтказиш, ундан электрон фойдаланиш имконини бериш йўли билан ушбу муаммони самарали ҳал этиш мумкин.

Ҳозирда юртимизда 300 дан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилган.

Қозогистон Республикасида амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқамиз. Маълумотларга кўра, egov.kz- Қозогистон Республикаси электрон ҳукумат портали орқали 2018 йил якунларига кўра, 230 миллион мурожаатта хизмат кўрсатилган¹¹.

Бундан ташқари, mGov мобиль иловаси орқали - 14 630 710 та, Ягона ойна марказларидан - 149 664 081 та, ерау – электрон

¹¹<http://egov.kz/cms/ru/information/about/stat> - Қозогистон электрон ҳукумат портали.

түлов тизими орқали - 69,096,973,698 та, Telegramm боти орқали - 227,646 та ҳамда электрон ракамли имзо орқали pki.gov.kz – портали орқали 3 859 306 та хизматлар кўрсатилган.

Электрон давлат хизматларининг қуидаги топ 5 талигига кўплаб мурожаатлар бўлган:

- манзил маълумотномалари – 113 млн.;
- мол-мулкка эгалик қилиш хукуки бўйича маълумотнома – 29 млн.;
- мол-мулки бор ёки йўқлиги бўйича маълумотнома – 19 млн.;
- нафақа ҳисоб-китоби бўйича маълумотнома – 13 млн.;
- судланганлик ҳақида маълумотнома – 6 млн.

Кўриниб турибдики, биз ҳозирда бундай рақамларга етиши учун ишларимизни жадаллаштиришимиз керак. Жумладан, Қозогистонда бу соҳани мотивация орқали ривожлантириш борасида қуидаги акциялар доимий равишда ўтказиб келинади:

- egov.kz - бепул купонлар акцияси;
- egov.kz - орқали “Солиқни тўла ва совғани ютиб ол” акцияси ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, бу соҳа бўйича ҳар ойда телеграммдаги @egovkz боти ва Twitter да ижтимоий тармоқлар орқали викториналар ташкил этилади.

Бундан ташқари, Қозогистон Республикасида “Электрон хукумат” тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни ёритаётган журналистлар ўргасида ҳар йили танлов ташкил этилган. Бу ҳам, ўз навбатида, журналистларга мотивация беради.

egov.kz порталаида ҳар бир электрон шаклдаги давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича видеороликлар жойлаштирилган бўлиб, бу фойдаланувчиларга қуайликлар яратади.

Масалан:

- Мол-мулк әгалари учун турар жойи бўйича вақтингчалик рўйхатдан қандай ўтиш?
- Манзил бўйича маълумотномани қандай қилиб олиш?
- Нафақа бадаллари гувоҳномасини қандай олиш?
- Никоҳдан ўтиш бўйича онлайн аризани қандай топшириш?
- Коммунал тўловларни қандай тўлаш?
- Ёш болани болалар боғчасига навбатга қандай қилиб кўйиш?
- Фуқаролик паспортини қандай олиш мумкин? каби бошқа кўплаб хизматларнинг видеоролиги фуқароларга тақдим этилган.

Шунингдек, Россия Федерациясида ҳам электрон ҳукумат тизими жадал суръатлар билан ривожланмокда. Россия Федерациясида давлат интерактив хизматларидан фойдаланувчилар сони ҳам дикқатга сазовор¹²:

- давлат хизматлари ва иловалардан ҳар ой фойдаланиладиган хизматлар сони - 12,7 млн.;
- “Электрои ҳукумат” порталидан рўйхатдан ўтганлар сони - 59% аҳоли¹³;
- Ягона идентификация ва аутентификация тизимидан рўйхатдан ўtkazuvchi марказлар сони – 10,8 минг (ЕСИА - единая система идентификации и аутентификации) та.

Шунингдек, 2018 йилда Россияда давлат хизматларининг 70%и электрон шаклга ўтказилган.

Россияда давлат хизматлари порталининг 2018 йилги статистик маълумотлари қўйидагича:

¹² www.gosuslugi.ru – Россия Федерацияси давлат хизматлари Интернет портали.

¹³ 2019 йил маълумотларига кўра, Россия аҳолиси 146,8 млн. (<https://ru.wikipedia.org/>)

- портал ва мобиъл илова орқали 2,8 млрд. хизмат кўрсатилиган;
- 86,5 млн. киши порталдан рўйхатдан ўтган;
- 48,2 млн. маротаба 56,4 млрд. рубллик хизмат кўрсатилиган;
- 728,8 млн. маротаба портал мобиъл версиясидан фойдаланилган.

Шунингдек, порталда Ҳаётий вазиятлар бўлими ташкил қилингандан бўлиб, ундан қуидаги шаклдаги хизматлардан фойдаланиш мумкин:

- МЧЖни рўйхатдан ўтказиш;
- автомобилни сотиб олиш ва расмийлаштириш;
- туғилган жойи бўйича фарзандини рўйхатдан ўтказиш;
- нафақахўрларга нафақа тайинлаш ва тўлаш;
- фарзандини туғилганлиги учун нафақа олиш ва бошқа маълумотлар.

Мисол учун, бугунги кунда Эстонияда ушбу «электроилаштирилган» мамлакат фуқароларига ва меҳмонларига шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлкира тўлашдан бошлаб тиббий сугуртагача бўлган 250 дан ортиқ онлайн давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Германия ҳукумати тармоқли ресурслар – Интернет ва Интранет орқали рақамлаш ва тақдим этиш мумкин бўлган 450 дан ортиқ хизматлар ва сервисларни белгилади. Бу ҳам чегара эмас, 2025 йилда ушбу мамлакатда онлайн хизматлари рўйхатини 1,2 мингдан ортиқ номгача кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар аҳолисининг кундалик ҳаётига тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Ушбу тизим хизматларидан айримлари қуидагилардан иборат:

- солик декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловларни, жумладан, даромад солиги, мол-мулк солиги ва ҳоказоларни амалга ошириш;
- ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;
- сўров ва етказиб бериш функциялари билан биргаликда фуқаролик ҳолатининг кўплаб далолатномаларини расмийлаштириш (масалан, тугилганлик ҳақида гувохнома, никоҳни қайд этиш ва ҳоказо);
- шахсий ҳужжатлар: паспортлар, ҳайдовчилик гувохномаси ва бошқаларни расмийлаштириш;
- фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома ва мълумотиомалар;
- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик маслаҳат бериш хизматлари;
- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини элекtron тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;
- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва ҳоказолар);
- олий ўкув юртларига кириш тест синовлари, ҳайдовчилик ҳуқуқини олишга имтиҳонлар топшириш, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва бошқалар;
- даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн расмийлаштириш;
- ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва кўплаб бошқа хизматлар.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ўргача ҳисобда 5000 та атрофига интерактив давлат хизмати кўрсатилиши мумкин экан.

Шундай қилиб, АҚТ тизимларининг давлат бошқарувига кенг жорий этилиши гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун фуқаролариининг шахсан давлат органларига келишлари заруриятини камайтиради, истиқболда эса бундан бутунлай ҳалос қилади. Кўплаб мамлакатлар тажрибасини жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган мақсадга – сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқароларниң давлат хизматларидан фойдаланишини енгиллаштиришга эришилади.

Юридик шахсларга қандай фойда беради? Юқорида биз айнаи бизнес рақобат шароитида яшаб қолиш учун ўзининг доимий равища тақомиллашувига интилиш туфайли замонавий АҚТни ривожлантириш ва фаол жорий этишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиққанлигини қайд этган эдик. АҚТ тизимларининг давлат бошқарувига жорий этилиши ҳам соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббусни ривожлантириш ҳамда бизнес тузилмаларниң самарали инновация бошланмалари учун қулай муҳит яратишга бўлган эҳтиёжларига жавоб беради.

Умуман, G2C ички тизимидағи муносабатларниң ўзига хос “реинжиринги”ни амалга ошириш, яъни G2C ички тизимида, иктисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иши йўлида – бизнес субъектларидан ҳар бирининг равнақ топиши, бутун мамлакатниң равнақ топиши учун уларниң тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантириш муҳим.

Муносабатларниң ушбу тизим остида қуйидагилар реинжирингнинг асосий субъектлари ҳисобланади:

- бюджет ва солиқларни тартибга солиш,
- давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги,
- кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш,
- тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар.

Бунда ушбу ва бошқа масалалар бўйича давлатнинг бизнес сектор билай мавжуд директив ва назорат қилувчи муносабатларини маданиятлироқ ўзаро шериклик муюносабатлари оқимларига кўчириш. Бу қуидагиларни таъминлапши зарур:

- бизнес тузилмалар олдида турган қофозбозлик ва маъмурӣ тўсикларни бартараф этиш;
- давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш юкини камайтириш ва хужжатлар айланнишининг ракамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнлари ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арzonлаштириш;
- қонунлардан ва бозор талабларидан келиб чиқиб, ресурсларни мақсадга йўналтириш ва эркин бошқариш;
- ривожланиш дастурларини қўллаб-куватлаш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишга қуидаги масалалар бўйича бизнес субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизмини дадиллик билан ривожлантириш йўли билан эришилади:

- компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- ваколатли ташкилотлардан лойиҳа хужжатларига рухсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, курилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш);
- лицензиялар олиш ва уларни узайтириш;

- юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатларига ўзгартириншлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;
- бюджетга (даромад, фойда, кўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив тўловларни амалга ошириш;
- экспорт-импорт операциялар бўйича товарга илова қилинадиган ҳужжатларни ва божхона тўловларини расмийлаштириш;
- бухгалтерия, солиқ ва статистика хисоботини расмийлаштириш ва бошқалар.

Бунда электрои тижорат (*e-Commerce*)ни ривожлантириш G2C тизимости хизматларининг муҳим сектори ҳисобланади.

Ушбу йўналишнинг долзарблиги аёи. Биринчидан, айиан *e-Commerce* воситалари билан давлат харидлари ва буюртмалари бўйича тендерларни ташкил этиш, давлат инвестиция ва инновация лойиҳалари, ижтимоий дастурларни амалга ошириш соҳасида давлат ва бизнеснинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги самарали амалга оширилиши мумкин.

Иккинчидан, *e-Commerce* ривожланишни рағбатлантириб, давлат бу билан ҳам бизнес субъектларига, ҳам аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бизнес муҳити яратилишига кўмаклашади. Яъни G2B ва G2C тизимостилари электрои хукумат тизимида фуқаролик-хукуқий ва хўжалик-хукуқий муносабатларининг зарур иифратузилмасини ташкил этувчи B2B (*businessstobusiness*) ва B2C (*businessstocitizens*) муносабатлари билан табиий равишда тўлдирилади.

Давлат хизматчисига қандай фойда беради? Давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг асосий тамойиллари қўйидагилар:

- миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

- аҳоли талабларига мувофиқ равишда давлат хизматларини кўрсатишида мослашувчанлик;
- ягона дарча принципини кенг оммалаштириш, яъни давлат хизматлари маркази фаолиятини такомиллаштириш;
- идоралараро ҳамкорликни оптималлаштириш, турли идоралар базасини умумлаштириш;
- аҳолига бир вақтнинг ўзида бир нечта бир-бирига боғлик давлат хизматларини кўрсатиш.

Бу орқали қуидагиларга эришилади:

- шаффофлик таъминланади;
- коррупциянинг олди олинади;
- давлат бошқаруви самарадорлиги ҳар бир погонада оширилади;
- давлат ва жамият орасидаги алоқанинг янги канали ташкил этилади;
- ҳалқнинг давлат органларига бўлган ишончи ошади;
- давлат хизматлари тақдим этилиши сифати ва самарадорлиги ошади.

Электрон ҳукумат стратегиясининг АҚШ, Буюк Британия, Канада, Сингапур ва бошқа давлатларда амалий татбиқ этилиши:

- давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ягона тармоқка бирлаштириш имкониятини берди;
- аҳолининг давлат хизматлари олишини бир неча баробар енгиллаштириди;
- иқтисодий жиҳатдан самарасиз идора ва ташкилотлар фаолиятига чек қўйилди;
- коррупция хавфининг олди олинди.

2.3.Давлат ташкилотларида Президент виртуал қабулхонаси тизимида ишлашни самарали ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасининг ташкил этилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни тубдан такомиллаштириш” бўйича 117-сон мажлис баённомаси асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент виртуал қабулхонаси ва Халиқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишининг таъсирчан механизмига айланди. Ўтган қисқа давр ичida Президент виртуал қабулхонасига 3 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдигидир.

Портал, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий АҚТ самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконоста ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.


Ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиқсан ҳолда виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди.

Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сонли Конунида ҳам мурожаатчилар учун қўшимча кулагилклар яратиш кўзда тутилган эди.

Портал pm.gov.uz домени остида фаолият олиб бориб, бунда «рим» қисқартмаси - «Президентга мурожаат» тарзида талиқин қилинади.

Мурожаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа раҳамларига кўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги маҳсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Ҳалқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

2.3-расмда порталнинг асосий интерфейси келтирилган.



1 БЎЛIM

ЙЭЗИНГИЗНИ ҚИЗИКТИРГАН САВОЛГА ЖАВОБ ГОЛИНГ

Излаш

Излаш учун матнни хиритине

Уз-жой масалалари

Листингий ҳамоҳ

Тадбиркорлик фасолити

Банк фасолити

Лашаб инсанчи, сертификатлаш ва
ветеринария изомлалари

Солислар ва жарнамалар

2.3-расм. Президент виртуал қабулхонаси асосий саҳифаси

Порталнинг асосий вазифаси – Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича ягона тизим вазифасини бажариш.


Порталнинг мақсади қуидагилардан иборат:

- жисмоний ва юридик шахслар билан давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқани ривожлантириш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда давлат органлари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини бир нуқтадан қабул қилишни ташкиллаштириш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини тегишли давлат органлари томонидан тез ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш;
- жисмоний ва юридик шахслариинг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш.

Президент виртуал қабулхонасига мурожаатлар қуидаги шаклларда келиб тушиши мумкин:


- 1000 телефонн орқали (1/18);
- Pm.gov.uz портали орқали (1-s/18);
- Президент қабулхоналари орқали (1-ap/18);
- Президент почтаси орқали (1-pp/18).

Ҳар бир шаклда келиб тушган мурожаатлар яхлит ягона маълумотлар базасида жамланади. Мурожаатлар билан ишлаш схемаси туман ҳалқ қабулхонасидан тортиб, токи Президент маъмуриятигача боғланган бўлиб, ҳар бир даражадаги фойдаланувчи учун автоматлаштирилган ишчи ўрни ишлаб чиқилган (2.4-расм).



2.4-расм. Президент виртуал қабулхонасининг ишлаш схемаси


Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар билан <https://cabinetpm.gov.uz> орқали фаолият олиб борилади. Ҳар фойдаланувчи учун шахсий кабинет ишлаб чиқилган (2.5-расм).



2.5-расм. Фойдаланувчи шахсий кабинети

Шахсий кабинетнинг интерфейси жуда содда ҳамда қулай яратилган бўлиб, фойдаланувчини чалғитувчи ортиқча маълумотлар мавжуд эмас.

Фойдаланувчи асосий саҳифасида умумий статистик маълумотлар, мурожаатлар реестри ҳамда ташкилий масалалар юзасидан зарурий маълумотлар келтирилган.



2.6-расм. “Масалалар” бўлими

“Масалалар” бўлими қуйидаги саҳифалардан ташкил топган:

- янги;
- жараёндаги;
- жавоб берилган;
- ўрганишдаги.

Мурожаатда кўрсатилган масалалари билан ишлашда шундай имконият қўшилганки, келиб тушган мурожаатда келтирилган масалалардан келиб чиқсан холда мурожаат бир ёки бир нечта масалаларга бўлинади (2.7-расм). Бу эса мурожаат билан

ишиш самарадорлигини ошириши билан бирга, битта мурожаатта бир иечта ташкилот жавоб беришига түгри келади.

Адам салса Адамни вилоти имкони Янги масалалар

Showing 1-1 of 1 item

Номи	Ишмасал	Мурожаат	Ташкилот	Мурожаат	Ташкилот	Мурожаат	Ташкилот	Мурожаат	Ташкилот	Мурожаат	Ташкилот
	Инжиниринг субъектинин таъминоти	Хозяйственная деятельность	Андижон вилоти консилиуми	Андижон вилоти консилиуми	Андижон вилоти консилиуми	Лиги		Куриб чиқиши учун избут мабул маддаси	19.09.2017 00:55:14	19.09.2017 00:55:14	

1/17

Ташкилот Ташкилот

2.7-расм. Мурожаатни масалаларга бўлиш.

Мурожаатни масалаларга бўлгандан сўнг ҳосил бўлган саҳифа орқали масалалар таснифи, масъул ва ижрои ташкилот, томшириқ ҳолати бўйича саралаш имконияти ишишлаб чиқилган.

Мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала билан ишиш саҳифасидан тегишли маълумотарни олиш мумкин (2.8-расм).

Адам салса Адамни вилоти имкони Мурожаат 1/17

Илан	Иланот	Мурожаатнига
Фамилияси	Гадире	Мурожаат раёнини
Оғизимаген илан	Санжаровна	Ю
Телефон	тел. 142547495	Кадубу контролланган ташкилот
Хадра	Андижон вилоти	Ишма групк
Телефоннинг	Чархончо, 14, Чархон	Мурожаатнига
Хонарги язни таъминоти	Тоғончи Афз	оператор
Жами	19.09.2017	Каниб тутаги сано
Тутаган сано	19.09.2017	Узаттирилган сано
		Мурожаатнига
		Маддасини ёзиб келингни, сиёҳи кепчи кадубу тутаги сано
		Кадубу тутаги сано

2.8-расм. Мурожаатнинг кўрниши.

Чап томондаги саҳифада мурожаатчи ҳақида маълумот тақдим қилинади (мурожаатчи исми, фамилияси, телефон рақами, яшаш манзили, жинси ва туғилган санаси каби маълумотлар).

Ўнг томонда эса мурожаат юзасидан маълумот келтирилган (мурожаат рақами, қабул қилган ташкилот, келиб тушган сана, мурожаатнинг қисқача мазмуни).


Мурожаатда кўрсатилган масалани қабул қилиш жараёнида куйидаги ишлар бажарилиши мумкин (2.9-расм).

Масалани ташкилотга берадиган мурожаат	
Мурожаат рақами	1-масалан
Мурожаат роҳи	117
Мурожаат ташкилоти	Компанияг ҳудадик
Мурожаат номидаси	Афзодик ҷаҳон, ҳ. Ҳамон гўрх
Номиғочи ташкилоти	Андижон вилояти ҳамошити
Нарзине ташкилот	Андижон таҳқиқати ҳамошити
Шағире ташкилот	Андижон вилояти ҳамошити
Арбоб ташкилоти ташкилот	16
Мурод	Марказ
Ташкилоти давлати	Кўриб чињи гўн қабур олиш
Жардам бераси	10.09.2017 00:55:14
Нарзине ташкилоти сало	19.09.2017 00:55:11
Уйдоририкни сало	19.09.2017 00:55:11
Мурожаатни киритган ташкилот	Интизоми
Мурод	Мурод
Сўнни таҳтири	Пульбон

2.9-расм. Масалани ўрганиш саҳифаси

Масалани ўрганиб чиқиб, уни қабул қилиш, бошқа давлат органига жўнатишни сўраш ёки қуий ташкилотга юбориш мумкин.

Мурожаатда кўрсатилган масалани қабул қилиш 4.8-расмда келтирилган.



2.10-расм. Масалани қабул қилиш ойнаси

Қабул қилинган масала билаи ишлеш (2.11-расм).

Назаретчи тағызшылт	Андаған өткінші халық қабулхонасы
Ихорчи тағызшылт	Андижон вилойти хокимиятты
Масалуд тағызшылт	Андижон вилойти хокимиятты
Күриб чыныстайт тағызшылт	Андижон вилойти хокимиятты
Муддат	10
Толаперек болаты	Күриб чыныш жарыбында
Жарағы бесірінч	Күриб чыныш жарысапарни көрітіш
Ихорға ғұналтырылған сана	19.09.2017 18:28:52
Үзгартырылған сана	20.09.2017 10:31:23
Мурасаланған кириптан тағызшылт	Лиджон вилойт халық қабулхонасы
Мұаллиф	xq_test
Сұмын тәрірінч	techgroup

Анықталған масалалар

Даталық	Анықталған масалалар
1-егз-17	1-егз-17

2.11-расм. Масалаларни ўрганиш ойнаси

Қабул қилинган масала билан ишлаш 2.12-расмда келтирилген.

Масалалар	Текущий статус
Мурасат раслан	С.17
Мурасат бирнеше	Клавукан тұжырым
Мурасат масаласы	Инициатив сүй тәлемнікі
Мурасат тәсілде	Инициатив сүй тәлемнікінде тәлемнікі
Насадити ташылат	Инициатив
Инерес ташылат	Андиссон инциденттегі холыннікі
Малғұл ташылат	Андиссон инциденттегі холыннікі
Курб чыншыттын ташылат	Андиссон инциденттегі холыннікі
Муддат	10
Төмөнкілдік зерттеу	Күріш чевши жаһағында
Жаралы болсаки	Күріш чевши нағындарларнан жергілік
Инерес біннештердегі сана	19.05.2017 06:55:14
Үзайтирилген сана	19.05.2017 10:01:20
Мурасаттың жарыттын ташылат	Инициатив
Муддат	пазас
Сұнғы тағарғын	андисон

Мурасаттың ойнасынан
Жаралы болсаки

2.12-расм. Қабул қилинган масала

Масалаларни ўрганиш ойнасида қабул қилинган масаланиң муддатини узайтиришни сұраш, бошқа ташкилотта юборишни сұраш, натижаны киритиш ва күрмасдан қолдириш мүмкін.

Масалан, масаланиң муддатини узайтириш “Муддат узайтиришни сұраш” амали орқалы амалға оширилади (2.13-расм).


САРАЛЫНУШТАР

Инициатив сүйи JPG
Koloqit kengaytmas fayl

САЛАШ


2.13-расм. Муддат узайтиришни сұраш

Албатта, муддатни узайтириш учун асосни келтириш талаб этилади. Масала “Бошқа ташкилотта юборишни сўраш” орқали бошқа тегишли ташкилотта юборилади (2.14-расм).



2.14-расм. Бошқа ташкилотта юборишни сўраш

Амал бажарилиши билан (керакли майдонлар) “Сақлаш” тугмаси босилиши лозим. Қуйи ташкилотлардан келган “Сўровлар” билан ишлаш орқали сўровлар статусини кўриб бориш мумкин (2.15-расм).



2.15-расм. Сўровларни кўриш ойнаси

Агар қуий ташкилот томонидан масаланинг муддатини ўзгаририш ёки ижрочи ташкилотни ўзгаририш амали бажарилса, ушбу масалалар “Сўровлар” бўлимига келиб тушади.

“Натижани киритиш” амали 2.16-расмда келтирилган.



2.16-расм. Натижани киритиш

Ушбу амални бажариш учун қуийдаги майдонларни тўлдириш талаб этилади: юборилган хатнинг санаси, раҳами, хатни имзолаган масъул ва ижрочи шахслар ҳақида маълумот, кўриб чиқиш натижаси, жавоб хати матни ва сканер варианти юкланди.

Масалан, “Натижани киритиш амали” 2.17-расмда келтирилган.

2.17-расм. Натижани киритиш амали

“Сақлаш” түгмаси босилиши билан масала “Урганишда” бүлимиға жойлашади.

Назоратчи ташкилот томонидан масала натижаси күриб чиқылиб, қабул қилинганидан кейин ушбу масала “Жавоб берилганды” бүлимида жойлашади.

Масаланинг “Натижани текшириш амали” 2.18-расмда көлтирилганды.


Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки
Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки
Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки	Изменение оценки

2.18-расм. Натижани текшириш амали

Топшириқ ижросини тасдиқлаш жараёнида масъул ташкилот томонидан натижа тоифасини ўзгартыриш имконияти яратилған. Топшириқ ижросини рад этиш жараёнида масъул ташкилот томонидан хулоса ва изоҳ киритиш имконияти яратилған.

2.19-расм. Күрмасдан қолдириш

Амални бажариш учун күрсатилган майдонлар тұлдирилиши шарт. Маълумотлар киритилиши билан “Сақлаш” тұгаси босилиши лозим. Мурожаатда күрсатилған масалани “Бошқа давлат органига жұнатишиңи сұраш” амали 2.20-расмда көлтирилған.



2.20-расм. Бошқа давлат органига жұнатишиңи сұраш

“Сақлаш” тұгаси босилиши билан масала “Жараёнда” бүлимиға жойлашади.

Назоратчи ташкилот томонидан масала натижаси күриб чиқилиб, сұровга рад жавоби берилса, “Янги” бүлимиға келиб тушиади.

Мурожаатда күрсатилған масаланы қүйи ташкилотта юбориш жараёны. Масалани “Қүйи ташкилотта юбориш” амали 2.21-расмда көлтирилған.

2.21-расм. Қуйи ташкилотта юбориш

Масала “Йұналишини кузатиб бориши” 2.22-расмда келтирилген.

№ п/з	Код	Наименование	Тип	Статус
1	1001	Магистр	Логистик	Активный
2	1002	Сфера	Логистик	Активный
3	1003	Логистик	Логистик	Активный
4	1004	Балтекс	Логистик	Активный
5	1005	Фонд Астана	Логистик	Активный
6	1006	Энергия Технологии	Логистик	Активный
7	1007	МегаКом	Логистик	Активный
8	1008	Астана Аэроэкспресс	Логистик	Активный
9	1009	Компания Аман	Логистик	Активный

Установка склада **Жарын түркі**

Склад

Склад № 1 шт.


Клиенты: Аудитор: Виды деятельности: План: Клиенты: Аудиторы: Виды деятельности: План: Клиенты: Аудиторы:

Изменить виды деятельности: Аудитор выступил заявителем: Вид: Клиенты: Аудиторы: Изменить виды деятельности: Генерализация: План: Клиенты: Аудиторы:

Аудитор: Аудитор выступил заявителем: Вид: Клиенты: Аудиторы: Изменить виды деятельности: Генерализация: План: Клиенты: Аудиторы:

2.22-расм. Йұналишини кузатиб бориши

Ушбу саҳифада масала йўналиши бўйича назоратчи ташкилот, ижрочи ташкилот, масъул ташкилот, масала муддати ва жараён босқичлари каби маълумотлар билан танишишингиз мумкин.



2.23-расм. Масала йўналишини кузатиб бориш


Ушбу саҳифа орқали масаланинг ечилиш жараёни тарихи билан танишишингиз мумкин.

Мурожаатни “Танланган мурожаатлар” бўлимида сақлаш 2.24-расмда келтирилган.

Йилдан-йилга порталағи нмкониятлар давлат хизматчиси ва фуқаролар учун соддалаштириб борилмоқда.

Албатта, давлат томонидан идоралараро ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган тизимлар орқали жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда уларни инсоннинг ҳаётий циклига боғлиқ ҳолда амалга ошириш фуқаролардан келаётган мурожаатлар со-

нининг камайишига олиб келади. Бунда, албатта, аҳолини бундай хизматлардан хабардор қилиш керак бўлади.



2.24-расм. Таиланган мурожаатлар бўлими.

З-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ВА ИНФОГРАФИКА

3.1. Давлат хизматчисининг ижтимоий тармоқ ва электрон почтадан фойдаланиши

Ҳар бир давлат хизматчисининг ижтимоий тармоқда бўлиши унинг фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Куйида ушбу мавзуда фикр юритилган.

Ҳар бир давлат хизматчисининг виртуал платформада бўлиши унинг фаолиятига ижобий таъсир қиласи. Юкорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир ташкилот ўз веб-сайтини такомиллаштириши билан бирга, қуидагиларни ҳам амалга ошириши лозим:

- мобил иловасининг мавжудлиги;
- содда, фойдаланишга қулай дизайн;
- юқори сифатли суратлар;
- маълумотларга бой бўлиши;
- бренд ёки муассаса ҳақида таассурот қолдирувчи;
- муносабатии қабул килувчи механизми жорий қилиш.

Бу эса ташкилотнинг давлат хизматчисига қулай бўлиши билан бирга, фуқаронинг ахборотга бўлган ҳукуқини таъминлашга хизмат қиласи.

Давлат хизматчisi томонидан ижтимоий тармоқда профиль очилиши қуидаги имкониятлар эшигини очади:

- аудиторияни тўплаш;
- муаммо ва камчиликларни ўрганиш;
- ўзаро “жонли” алоқа ўрнатиш;
- маълумот ва постларни янгилаш;
- каттароқ аудиторияни ўргаиш;

- муаммоларга комплекс ечим топиш;
- оммавий ахборот воситалари билан боғланиш;
- аудиторияни таҳлил қилиш;
- жамоатчилик эътиборида бўлиш.

Фуқаролар билан ишлашда ижтимоий тармоқ мухим роль ўйнайди. Масалан:

- ҳамма ҳам жонли мулоқотда ўз дардини ошкор қилмайди;
- онлайн тармоқда ҳақиқат тезроқ юзага чиқади;
- онлайн мулоқотда муаммолар осон ҳал бўлади;
- виртуал тармоқда тўсиқ бўлмайди;
- мижозлар хайриҳоҳлиги забт этилади;
- шаффоф фикрларни тўплаш осонлашади;
- ҳар хил жараёнларга ҳалқни жалб эта олиш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда блог ёки канал¹⁴ юритиш оммалашиб бормоқда. Бу ҳам ташкилотнинг миссиясини олиб боришида мухим саналади. Давлат хизматчиси ҳам, агарда фикрларини умумлаштирум оғизи бўлса, уларни ёзсии ва ўртоқлашсан, ўз каналини юритсан. Бу орқали унда лидерлик компетенциялари шаклланиб, давлат хизматчиси оддий фуқаро сифатида ҳалқнинг ичига кира олади.

Албатта, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига эътибор бериш керак. Демак, ижтимоий тармоқдаги асосий еттига хавф-хатар қўйидагилар:

- маҳфийлик муаммоси;
- хакерлик ва паролларнинг ўғирланиши;

¹⁴ Телеграмм ижтимоий тармоғидаги канал – ахборотни бир томонлама тарқатиш воситаси. Суҳбатдан фарқли ўлароқ, бу ерда изоҳ бериш қобилияти ўчириб қўйилган, абонентлар фақатгина уни кўриб чиқишилари ва нашрларини алмашиш орқали ўқишилари мумкин. Каналлар умумий ва хусусий бўлиши мумкин.

- виртуал әгизак;
- Интернет – боғлиқлик;
- камера объективида қўлга тушиш;
- ишда текширув;
- иш ўриндаги потенциал муаммолар.

Демак, давлат хизматчиси ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиши билан бирга, меъёрга эътибор берини лозим. Ижтимоий тармоқларга қарамликни бошқариш учун куйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- ижтимоий тармоқларга киришни чеклаш;
- ижтимоий тармоқда нималар билан машғул бўлишаётганини назорат қилиш;
- ўз саломатлигингиз ҳақида ўйлаш.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда куйидаги муҳим бўлган маълумотларни ўчириш керак:

- геолокация;
- телефон рақами;
- түғилганлик санаси;
- шахсий хужжатлар, кредит карта, авиабилет ва расмлар;
- яқин келажакдаги режалар ҳақидаги постлар;
- иш билан боғлиқ маълумотлар;
- «маст ҳолатдаги» расм;
- дўистларингиз доираси кўплиги;
- фарзандларингиз билан боғлиқ маълумотлар;
- дўистларингиз расми;
- собиқ дўистларингиз билан расмлар;
- нотанишлар учун Сиз ҳақингизда билиши лозим бўлмаган барча маълумотлар.

Демак, бу маълумотлар ахборот хавфсизлигини таъминлайди. Раҳбар ёки давлат хизматчиси ижтимоий тармоқда қуидаги хатоликларга йўл қўймаслиги керак:

- ижтимоий тармоқдан узилиш – деярли телевизор томоша қилмаслик билан бир;
- ҳаммага очик бўлиш – ходимлари ва талабгор, мижозлари учун қизиқ бўлмаган сиёсий изоҳларни қолдириш, яхтада оиласвий тушган фотосурат ёки янги автоулов расми ёки йиллик сотиб олинган бонус тўғрисидаги маълумотлар;
- барча бошқарув тугмачаларини ёпиб олиш – раҳбар ижтимоий тармоқда жимлиги, воқеа-ҳодисаларга ҳеч қандай таъсирини кўрсатмаслиги. Саҳифадаги маълумотлар ҳафтада камида бир марта янгиланиши керак;
- ходимларининг шахсий ҳаётига аралашиб;
- саҳифасини якка бошқариши - ижтимоий тармоқда раҳбар саҳифасини қўллаб-кувватлаш учун корпоратив гурухни жалб қилиш мухим;
- бир неча саҳифаларни ўз номидан яратиш ва юритиш. Бу ижтимоий тармоқ қоидаларига зид ҳисобланади;
- маълумотлар тўплаш имкониятини қўлдан бой бериш. Ижтимоий тармоқ ҳодимлар ва мижозлар билан алоқа, фикр алмашиш учун кулай восита. Раҳбар расмий позициясини шакллантириши учун мижозларга саволлар бериши мумкин. Масалан, Нима деб ўйлайсиз, бу йил бизни соҳада нима энг кучли тренд бўлади? Бу ойда мижоз сифатида биздан қандай ижобий тажриба олдингиз? ... Бундай мулоқот ҳодим ва мижозларни компанияга яқинлаштириши мумкин.

Демак, ҳозирги вақтда ижтимоий тармоқлар жадаллик билан ривожланиб бораётгани учун унга берилиб кетмай, давлат хизматчиси, албатта, электрои почтадан фойдаланишини унутмаслиги лозим. Давлат хизматчиси ўз ташкилоти домени ости-

даги почтадан фойдаланиши зарур ҳамда ундан фойдаланишда күйидагиларга амал қилиши лозим:

- почтани тез-тез очиб, ўкиб туриш. Кўпчилик фойдаланувчилар ўз хатларини фақатгина бўш вакъларидағина ўқийдилар. Бу албатта иотўғри;
- хатда, албатта, сарлавҳа (*subject*) кўрсатиш зарур. Бу мижозларни ортиқча ишлардан қутқаради. Хатни тушунниш осоилашади;
- хатингизни олувчини билинг ва уни ҳурмат қилинг;
- хатни, албатта, имло хатоларисиз ёзинг;
- қисқа ёзинг. Электрон почтада ёзаётган хатингиз мазмунини қисқа ва аниқ кўрсата билинг;
- ўз хатингизни бошқа манзилларга кўчиришдан (Переслать) сақланинг. Акс ҳолда, хатларни кўплаб манзилларга жўнатиш ҳамкорларингизда яхши таассурот уйғотмаслиги мумкин;
- электрон почта орқали келган сўровларга тўлиқ жавоб беринг. Сўровларга жавоб беришда қисқа «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб берманг. Бу ҳол тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

3.2. Маълумотларни етказиб беришда инфографиканинг аҳамияти

Бошқарув соҳасида энг муҳим омиллардан ва тенденциялардан бири, бу ахборотни график кўринишида тақдим этишдир. Одатда, ахборотни график кўринишида тақдим этиш *инфографика* дейилади. Давлат хизматчисининг маълумотларни инфографика кўринишида тақдим этиши унинг ишини мумкин қадар осонлаштиради.

Инфографика – ахборотнинг график шаклдаги тасвири, боғланишлар, рақамли маълумотлар ва билимларга асосланган коммуникатив дизайн соҳаси¹⁵.

Ахборотни график шаклда узатиш инсонлар дикқатини жалб этиш, муайян маълумотни тез ва осон етказиб бериш хусусиятига эга. График кўринишдаги ахборот инсон онига одатий ёзма ёки оғзаки маълумотга нисбатан бир неча баробар тез етиб бориши тадқиқотларда асослаб берилган.

“Ахборотни ўртача қабул қиласидиган инсонлар, айниқса, ўкувчилар кўп микдордаги матнли маълумотларни эслаб қолиш имкониятига эга эмас, маълумотларнинг ярмидан кўп қисми ўзлаштирилмайди ва бунга сабаб аслида ўкувчи эмас, балки ахборотни етказиш усулидир. Шу боис, таълим самарадорлиги учун ўкув материалининг кўргазмалилиги ҳамда информационлигини ошириш мақсадида инфографикадан унумли фойдаланиш зарур”, – деб таъкидлайди А.Лекомцев¹⁶.

Инфографиканинг ана шундай самарадорлик хусусияти уни тижорий ахборот-реклама узатишнинг энг самарали усулига айлантириди. Бугунги кунда инфографикани кўллаш кўлами анча кенгайган, жамиятдаги ҳеч бир соҳани, жумладан, таълимий ҳам график ахборотларсиз тасавур этиш қийин.

Инфографикани деярли барча соҳаларда кўллаш мумкин. Айниқса, фанларни ўқитишида қулай бўлиши билан бирга, давлат бошқарувида ҳам муҳим аҳамиятга эга.


¹⁵ Ашурова Д.Н. Таълим жараённада инфографикадан фойдаланиш воситалари ва унинг самарадорлиги. // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнали. www.journal.fledu.u. №1(20)/2018. 111-120 б.

¹⁶ Лекомцев А.А. Использование инфографики в образовательном процессе// Наука, образование, общество: тенденции и перспективы: материалы междунар. науч.-практ. конф. 28 ноябр. 2014 г.: в 5 частях. Часть III. – М., 2014. – С. 25–28.



Эски ҳайдовчилик гувоҳномасини
яңгисига алмаштиришни ким таҳ
диди инфографикада?

Как изменить старое видение
внешности на новое?



Министерство цифровизации

www.mzd.tj | +992 99 111 11 11

@mzd_tajik

1148

3.1-расм. Эски ҳайдовчилик гувоҳномасини яңгисига алмаштириш жараёни

Масалан, 3.1-расмда Давлат хизматлари агентлиги томонидан кўрсатилаётган хизматлардан бири бўлгай эски ҳайдовчилик гувоҳномасини яңгисига алмаштириш жараёни барчага тушунарли бўлиши учун инфографика шаклида, ўзбек ва рус тилларида келтирилган. Битта инфографика орқали барча саволларга жавоб олиш мумкин. Эски ҳайдовчилик гувоҳномасини яңгисига алмаштириш бўйича давлат божидан ортиб, муддати ва ишонч телефонигача бўлган барча маълумотлар битта инфографикада акс этган.

Инфографика – мураккаб маълумотларни тез ва аник тарзда тушунтиришда ахборот, маълумот ва билимларни график шаклда тақдим этиш усули¹⁷.

Инфографика хусусиятлари:

¹⁷ <https://ru.wikipedia.org>

- берилгай маълумотлар билан боғлиқ график объектлар ёки тақдим этилган маълумотларни ўзгартириш йўналишларининг график ифодаси;
- фойдали ахборотнинг кўплиги;
- тақдимотларнинг ранг-баранглиги;
- мавзуни аниқ ва мазмунли тақдим этиш;
- маълумотларни тақдим этиш хусусиятига қараб инфографика бир неча тоифага ажратилади.

Инфографика турлари:

- расмлардаги рақамлар: энг кўп ишлатиладиган тоифага киради, рақамли маълумотлар уларнинг тез ўзлаштирилишини таъминлайди;
- кенгайтирилган рўйхат: статистик маълумотлар, вақт чизиги, оддий фактлар тўпламиининг кўргазмали кўринишда акс эттирилиши;
- жараён ва истиқбол: мураккаб жараёнларни тасаввур қилиш ва баъзи бир истиқболларни тақдим этишга хизмат қиласиди¹⁸.

Кўрсатиш усулига кўра, инфографика куйидаги турларга бўлинади:


- статистик инфографика – анимация элементлари бўлмаган якка тасвир (3.2-расм);
- динамик инфографика – анимация элементлари бўлган инфографика, динамик инфографиканинг кичик қисми – видео-инфографика, анимациоң тасвиirlар, тақдимотлар¹⁹;
- интерактив инфографика – инфографиканинг бу туридан фойдаланувчилар тасвирланган маълумотларни бошқара оладилар.

¹⁸ Ермолаева Ж.Е., Герасимова И.Н., Лапухова О.В. Инфографика как способ визуализации учебной информации // Концепт. – 2014. – № 11 [Электронный ресурс]. – <http://e-koncept.ru/2014/14302.htm>. – Дата доступа: 12.03.2015

¹⁹ <https://www.youtube.com/watch?v=di-9moZSItg>



Ўзбекистон барча Осиё ўйинларида (инфографика)



3.2-расм. Осиё ўйинларида Ўзбекистоннинг иштироқи

Манба турига кўра, инфографика уч турга бўлинади:

- *аналитик (таҳлилий) инфографика* – аналитик материалилар билан тайёрланган графика. Иқтисодий инфографикада кенг қўлланилади. Таҳлил иқтисодий кўрсаткичлар ва тадқиқот маълумотлари асосида амалга оширилади (3.2-расм);
- *янгиликлар инфографикаси* – аниқ бирор янгилик асосида тезкор тайёрланган инфографика (3.3-расм);
- *қайта ишлаб чиқилган инфографика* – бирор-бир ҳодиса асосидаги маълумотлар, воқеалар динамикасини хронологик тартибда қайта яратади.

**2018 yilning birinchi yarmida O'zbekiston
tomonidan eksport qilingan mahsulotlar
ro'yxati**

	Tabliy qur.	1109 945,10		Tekstil'nye materialy	34 888,4
	Mehs-e-sazuvot uchitach chayxash	463 198,10		Trikotaj materialy	23 248,0
	Ip Dekor	381 039,00		Pasta materialy	20 987,8
	Mobedien	379 485,30		Qurilish sifatli materialy (kremirerdan tashqari)	20 233,3
	Tayyor tuzumchilik mahsulotlari	216 828,50		Vengil automobililar	22 164,2
	Pasta tolesi	166 011,00		Polipropilen	21 987,0
	Mis katorni	147 994,00		Kerhamid	21 268,3
	Elektrenergiya	106 963,40		Oziq-ovqat mahsulotlari	18 334,8
	Tabliy uran	90 827,30		Kalyugidan	17 042,3
	Qora metall prikazi	90 375,70		Armeniada satira	14 912,2

(ming doll.)

Bugunning umumiy hajmi
7 793 421,1 ming dollarni tashkil etadi.

3.3-расм. Статистик инфографика



3.4-расм. Тўқиз хонали рақамлаш тизимига ўтиш инфографикаси

Инфографиканинг муваффакияти амалий дизайннерлар томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, улар куйидагилар:

- ўз вақтида қўлланилиши;
- эътиборни жалб қилиш, мавзунинг аниқлиги;
- равон, чиройли ва самарали дизайнга эга бўлиши;
- тарқатишнинг қулайлиги;
- фойдаланувчилар мақсадини ҳисобга олиш;
- маълумотларни рақамли фактлар орқали етказиш;
- ички яхлитлик;
- жўшқин ранглар;
- сифатли диаграмма;
- ўлчамни танлаш;
- ҳикояни яратиш;
- қизиқарли фактларни танлаш;
- кўргазмалилик;
- соддалаштириш;
- вақт чизигини қўллаш;
- мақсад ва моҳиятни аниқлаш;
- манбанинг ишончлилигига эътибор бериш.

Таълим жараёнида – инфографика дарс мавзусидаги кўргазманинг таянчи хисобланади, унинг мавзунинг ўзлаштирилишидаги ўрни ва имкониятлари бекиёс.

Калифорния фанлар академиясининг мутахассислари ўқитувчилар учун “Синфда инфографика: илмий ахборот жараёнига жалб этиш учун маълумотлар визуализацияси” номли қўлланма яратдилар. Ушбу амалий қўлланмада тўртта машхур таълим стратегияси таърифланган, булар:

- инфографика интерпретацияси;
- маълумотларни визуаллаштириш;
- танқидий таҳлил қилиш;
- таълим олувчи томонидан инфографикани яратиш.

Инфографика интерпретацияси (талқини) – бошқалар томонидан яратилған графикадан фойдаланиш. Бунда ўрганилаёттан мавзуга оид керакли визуал материалларни турли манбалардан топиш мүмкінлеги, мавзу билан бевоста бөглиқ бўлиши шарт эмаслиги. Инфографикани танлашда кўнгилочар элементларга эмас, балки ўзлаштирилиши керак бўлган мавзу тарихини ўз ичига олишига эътибор қаратиш.

Маълумотларни визуаллаштириш – таълим олувчилик томонидан фактларни таҳлил қилиш ва саралаш учун турли хил графиклар, диаграммалар, жадваллар, таққослашлар, рамз ва белгиларни қандай қўллашни тушуниш.

Инфографикани танқидий таҳлил қилиш – таълим олувчилик график маълумотнинг яхши ёки ёмон томонлари ҳакида фикрларни таклиф қилиш, бундай ҳолатда тақдим этилган иш сифатини баҳолаш учун мезонлар ёки баллар рўйхатини бериш мумкин. Кўплаб мисоллар келтириш орқали солиштириш, бир-бiriни фарқлаш мақсадга мувофиқ.

Инфографикани яратиш – тингловчилар томонидан ўкув инфографикаси ишлаб чиқилиши якуний боскич ҳисобланади, чунки бу пайтга келиб, улар маълумотларни қандай талқин қилиш, қайси турдаги тасвирлар муайян маълумотга мос келиши, ижобий ва салбий жиҳатларини фарқлаш, яъни ушбу турдаги маълумотни намойиш этишнинг идеал қиёфасини яратиш кўниумасига эга бўладилар. Маълумотларни тўплаш ва уни инфографика шаклида топшириш учун мавзу бериш орқали уларнинг билимларини ошириш мумкин. Бу иш аввалги боскичлардаги ҳаракатларни кўрсатиши ва ўз меҳнати самараси эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам зарур.

Мавзуга оид тайёрланган график материаллар орқали таълим олувчилик кулай мухитга олиб кириш мумкин. Фойдаланилаётган материалларнинг кўп кисми анча эскирган ва

зерикарли. Маълумотларни ўрганиш чогида улар қандай рамзлар, расмлар, схема ва ёзувларни инфографикага киритиш лозимлигини ўзлари ҳал қилишсин. Инфографика яратиш жараёнида мавзу юзасидан фикрлаш, ахборотни қайта ишлаш, ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш қобилияти ошиб боради.

Канадалик олимлар томонидан олиб борилган тадқикотлар натижасига кўра, инфографика топширикларининг ўқитувчнинг қўшимча ёрдамисиз бажарилиши талабаларининг фикрлаш кўникмалари ва ижодкорлигини оширади. Бундан ташқари, ахборот технологиялари воситаларини кўллашни ўрганиш инфографикани ишлаб чиқиш учун мавжуд хизматлардан фойдаланишни амалга ошириш кўникмаларини шакллантирувчи машқ ҳисобланади.

Инфографикалар тайёрлаш ахборот мазмунини танқидий таҳлил килиш қобилиятини ривожлантиради, тингловчиларининг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини аниqlаш имкоинини беради. Уларнинг барчаси касбий мулоқот билан боғлиқ бўлган барча соҳаларда ўз малакасини оширадилар.

Инфографика қўллашини уч хил усулда ташкил этиши мумкин.

- Интернет орқали мавзуга мос инфографикани топиш, унинг тилини ва маълумотларини мослаштириб тақдим этиш;
- инфографикани яратиш ёки шаблонни юклаб олиш учун онлайн хизматлардан фойдаланиш;
- график мухаррирлардан фойдаланган ҳолда инфографикани энг бошидан, мустақил яратиш.

Ҳар қандай турдаги инфографикани яратишдан олдин қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- инфографика кимлар учун керак?
- унинг аудиторияси кимлар?

- унинг фойдаланувчилари кимлар?
- аудитория тиигловчиларининг ёш хусусиятлари ва қиқишилари қандай?
- муаммолари ҳамда маълумотларни етказишда яратилаётган манбанинг қай даражада зарур эканлигини аниқлаб олиш керак;
- тингловчилар эҳтиёжларини инобатта олиш;
- энг муҳим жиҳати ҳар бир инфографиканинг мақсади бўлиши лозим.

Мақсадни аниқлаш – график маълумотларнинг якуний кўриниши қай тарзда бўлиши, унинг асосий гояси, асосий мазмунини шакллантириш ва қандай тингловчиларга мослаштирилганини аниқлаб олиш.

Мавзу бўйича етарлича маълумот тўплаш – инфографика асосий форматида маълумотларни қисқача тақдим этиш талаб қилинса-да, унинг яратилиши учун фойдали маълумотлар максимум даражада бўлишига эришиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, инфографикани ишлаб чиқишида фойдаланилган рақамлар ва фактларни келтиришда аниқ ва ишончли манбалардан фойдаланиш лозим.

Хозирги вақтда инфографика турини ишлаб чиқишида кўплаб дастурий воситалардан фойдаланиш мумкин. Щунинг учун, албатта, инфографика турини ҳамда ҳар бир инфографикада эътиборни тортадиган қизиқарли сарлавҳа танлаш ва унда тингловчига гап нима ҳақида кетаётганлиги аниқ кўрсатилиши муҳим.

Инфографика яратишнинг асосий қоидалари куйидагилар:

- аниқлик;
- қисқалик;
- янгилик.

Яна шунга аҳамият бериш керакки, эътиборни тортадиган дизайн ишлаб чиқиши лозим. Буининг учун турли хилдаги онлайн хизматлар, шаблонлар, расмлар, график элементлар, анимациялардан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, инфографика ишлаб чиқишида қуйидагиларга ҳам эътибор бериш керак:

- шрифтларни танлашда ўқиши осон бўлишига эътибории қаратиш;
- ҳар бир блок орасида очик жойларнинг бўлиши маълумотларни қабул қилишни осонлаштиради;
- бир хил услубдаги безаклардан фойдаланиш (бир хил шрифт, расмлар, рамзлар ва ҳоказолардан);
- фойдаланиладиган рангларнинг соиि кўпи билан 5тадан ошмаслиги керак;
- инфографика қанча содда бўлса, шунча яхши (маълумотлари ҳам, дизайнни ҳам).

Инфографиканинг жиҳатларидан яна бири – унинг оммавий тарзда тарқалиб кетиши жуда ҳам осон. Шунинг учун инфографикани ишлаб чиқиши давомида хатоликларга йўл қўймаслик керак. Чунки қуйидаги хатолар ўта жозибадор қилиб ишланган инфографикани ҳам бузиб кўйиши мумкин:

- ноўрин иллюстрация;
- иотўғри маълумотлар, исботланмаган фактлар, рақамлар ва маънонинг атайлаб бўрттириб кўрсатилиши;
- графиканинг мураккаб форматда бўлиши, элементлар, диаграмма ва рақамларнинг кўплиги;
- орфографик хатоликлар;
- инфографиканинг ўқувчига тушуниарли бўлишидан кўра, кўпроқ чалкаштиришга мойиллиги;
- қўлланилаётган расмларнинг ўқувчи томонидан қабул қилинмаслиги ва тушуниарсизлиги;

- тушуниш учун яна маълумот талаб қиласиган мураккаб диаграммалар, схемалар ва графиклардан фойдаланиш;
- шрифтларнинг ўқиб бўлмайдиган даражада кичиклиги;
- аниқ маълумот, янгиликларнинг йўқлиги;
- маълумотлар кўламининг ҳаддан зиёд кўплиги.

Биз ахборот технологиялари асрида яшар эканмиз, маълумотларнинг чегараси йўқ, маълумотлар олишда техника воситаларидан фойдаланиш имконияти доимо мавжуд.


Маълумотларнинг кўплиги уларни фойдаланувчилар хотирасида сақлаш имкониятини пасайтиради. Фойдаланувчиларга керакли маълумотларни етказиб бериш, хотирасида узок вақт саклашга эришиш, мавзуни баён этишда ўқувчилар дикқатини жалб қилиш, тақдим этилаётган ахборотни саралаш имкониятини бериш, шунингдек, дарс жараёнини кўргазмали ва қизиқарли ташкил этишда инфографиканинг ўрни бекиёсdir. Инфографикани ишлаб чиқиш жараёни ишлаб чикувчидан ахборот технологиялари соҳасини пухта билиши, мавзуга ижодий ёндашувни, юқори эстетик дидни, соҳа бўйича чукур билим доираси ва сабр-тоқатни талаб этади.

Бугунги кунда Интернет тармоғида инфографика яратиш нимконини берувчи турли хилдаги онлайн хизматлардан фойдаланиш мумкин. Бу хизматлар текин ва пуллик хизматларга ажратилади. Буларнинг айримларини келтириб ўтиш мумкин.

Piktochart – бошловчилар учун фойдали инфографика яратувчи восита бўлиб, инфографикалар, тақдимотлар, плакатлар яратиш учун қулай ва функционал дастур (<https://piktochart.com>). Дастурнинг интерфейси инглиз тилида эканлигига қарамай, уни тушуниш ва ишлатиши жуда ҳам қулай.


Piktochart кутубхонасида кўплаб шаблонлар, расмлар, шакллар, ранглар ва шрифтлар жамламаси мавжуд бўлиб, бу графиканинг бетакрор бўлишида хизмат қиласиди. Шуни таъкидлаб

ўтиш керакки, дастурнинг бепул версиясининг имкониятлари бироз чекланган (3.5-расм).



3.5-расм. Piktochart дастури ойнаси

Мавжуд шаблонлардан мавзуга доир бўлганларидан бирини таниган ҳолда ундаги ёзувлар ва расмларни ўзгартириш имконияти мавжуд.



3.6-расм. Piktochartда таҳрирлаш ойнаси



3.7-расм. Инфографикани юклап ва унинг күриниши

Ушбу портал орқали тайёрланган инфографик маҳсулотларни png ёки pdf форматида сифатини уч хил даражада (нормал, ўрта ва юқори аниқликда) сақлаб олиш имконияти мавжуд.


Createely – профессионал даражадаги инфографиканни яратиш воситаси бўлиб, профессионал даражада визуал контент яратиш учун имкониятларга эга онлайн мухаррир саналади (<https://createely.com>). У кўплаб турли хилдаги ускуналар, бир қанча шаблонлар, графиклар ва жадвалларни тақдим этади, ўзининг соддалиги ва қулайлиги билан ажралиб туради.

Createely инфографиканни тез ва осон яратиш учун ишлаб чиқилган. Шунингдек, дастурда реал вакт режимида ишлаш функцияси мавжуд бўлиб, у бой график кутубхона, тасвири импорт қилиш имконияти, Drag&Drop кўллаб-кувватланиши каби қулайликларга эга.



3.8-расм. Createley дастури ойнаси

Менюнинг чап тарафида келтирилган объектларни танлаган ҳолда Drag&Drop имкониятларидан фойдаланиб, инфографика-кага құшиш мүмкін (3.9-расм).



3.9-расм. Createley да объект турларини құшиш ойнаси

Visme – чиройли тақдимотлар, инфографика, баннерлар ва бошқа визуал контентлар ишлаб чиқиш бўйича онлайн-платформа (<https://www.visme.co/>). Ушбу сервернинг ускуналар тўплами ва имкониятлари бироз паст бўлса-да, лекин муҳаррирнинг оддийлиги ва тасвирлар тўпламининг кўплиги билан ажралиб туради. Бепул фойдаланиш учун мўлжалланган версиясида диккатга сазовор ўнлаб шаблонлар, турли белгилар ва график элементлар мавжуд.



3.10-расм. Visme дастури ойнаси

Инфографикани ишилаб чиқишида фойдаланилувчи яна шундай воситалар борки, улар орқали фикрлар ва ҳикояларни аксланитиши мумкин. Улардан бири – Easel.Ly (<https://www.easel.ly/>). Easel.Ly бежирим кўринишдаги инфографикани яратиш учун кўплаб функцияларга эга платформа хисобланади. Восита интерфейси фойдали имкониятларга эга ва қулай муҳаррир.

Easel.Ly барчага мос келадиган шаблонлар каталогини, медиафайллар, расмлар, белгилар, фонлар тўпламини фойдала-

нүвчиларга тақдим этади. Easel.Ly онлайн режимда тез ва осон инфографика яратиш имконини беради. Ушбу конструкторда турли хилдаги блок-схемалар, таққослаш диаграммалари, жадваллар ва бошқаларни яратиш мумкин. Easel.Lyнинг пултик имкониятлари анча кенг.



3.11-расм. Easel.Ly дастури ойнаси

Инфографика шаблаб чиқувчи воситалардан яна бири – Venngage (<https://venngage.com/>). Унинг мақсади чиройли күришили визуал контент яратишдан иборат ва у бу вазифани яхши уддалайди. Масалан, ушбу сервисда инфографика яратиш учун уч боскични босиб ўтиш кифоя:

- шаблонни танлаш;
- графика ва схемаларни қўшиш;
- шрифт, ранглар, белги ва бошқаларни созлаш.



3.12-расм. Venngage дастури ойнаси

Юқорида келтирилган дастурлардан бошқа яна күплөб дастурий воситалар ва порталлар мавжуд. Уларнинг ихтиёрий биридан фойдаланишида, албатта, рўйхатдан ўтган ҳолда ундан фойдаланиш имконияти тақдим этилади.

БИРИНЧИ ТАШАББУС
Ешларни мустак, расемлик, албайт, театр ва сальтияни бошга турди олиниларни оморлоға.
Истельмий инфографика чизиги

ИККИНЧИ ТАШАББУС
Ешларни спорт, озодлик, жиҳозлиги, шамъиётни келингандар учун зарур шарҳларни
чизишни олувадарларни

ЎЧИНЧИ ТАШАББУС
Ахолига ёшлар уртасида компютер технологиялари ва интернетдан сайдарларни
фойдаланишни ташкил этиши каратади

ЧОРГИНЧИ ТАШАББУС
Хотин-кагзарни иш базаси таъминланган
часла гарнига тарафдан тутади

БУРГИНЧИ ТАШАББУС
Ёшлар макоммалтини яхасишини, унвар буласида
жигобийликни яш тартиб килиши бўйича
стартапларни ташкил этишини бўйича

3.13-расм. Ёшларга оид 5 та муҳим ташаббус

Шуни алохидә таъкидлаш керакки, инфографика билай ишлашда энг самаралиси бу оддийлик ва уни халққа түгри етказа бериш саналади.

3.13-расмда Президентимиз томонидан илгари сурىлган “Ешлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус” инфографикаси келтирилган.

Унда ишлатилган ранглар сони ҳам кўп эмас. Ҳар бир ташаббус учун танланган расмлар уни тўлдириб турибди.

Маълумотларнинг бундай тарзда етказиб берилиши катта натижা беради. Бунинг учун давлат хизматчилари юқорида келтирилган дастурий воситалардан ташқари, Office дастурий пакетига кирувчи PowerPoint имкониятларидан фойдаланишни билишлари ҳам етарли. Чунки ҳозирда PowerPoint орқали ихтиёрий тарздаги инфографикаларни ишлаб чиқиш бўйича имкониятлар ва воситалар тақдим этиб келинмоқда.

ХУЛОСА

Рисолани ташкил қилган мавзуларни ёритишда шунга амин бўлиш мумкинки, замонавий АКТ ривожланиб бораётгани даврда ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолият самарадорлигини оширишда ундан оқилона фойдаланиши, ҳалқ билан мулоқот олиб боришида ўз ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари, “электрон хукумат” тизими доирасида ишлаб чиқилган ахборот тизими комплекслари ҳамда идораларо электрон платформалардан фойдаланишини билиши лозим экан.

Бундан ташқари, Office дастурий пакетларига кирувчи дастурий воситалар билан ишлай олиш зарур.

Хорижий давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, ҳалқ билан мулоқотни амалга оширишда ва улар учун интерактив давлат хизматларининг мумкин қадар қулай тарзда ишлаб чиқилиши иккала тарафнинг манфаатларига хизмат қилиши аниқланган. Ва уларни ишлаб чиқишида “Барча хизматлар бармоқ учид!” тамойилига амал қилинган. Яъни хизматларни мобиль телефонлар орқали тақдим этишга катта эътибор қаратилган. Чунки статистикадан кўрдикки, мобиль алоқа абонентлари сонн йилдан-йилга ошиб бормоқда. Келажакда мобиль телефон фойдаланувчилари сонн ошиб бораётганинги сабабли мобиль илова ишлаб чиқариш индустряси ривожланиб бораверади.

Демак, рисола ҳар бир давлат хизматчиси фаолият самарадорлигини оширишда ахборот тизимларидан фойдаланиши, ҳалқ билан мулоқотда қандай замонавий АКТни қўллаш

**бүйінча керакли маълумотларга зәға бұлиши, давлат хизматчи-
ларининг ижтимоий тармоқ ва электрои почтадан фойдала-
нишда нималарга эътибор беришлари лозимлиги ҳамда маъ-
лумотларни етказиб беришда инфографикадан фойдаланиш бү-
йінча улар құникмаларини оширишга ўз ҳиссасини құшади.**

Академияның мәдениет министрлігінің тарихи деңгээлінде
сайт да ол ғана тән түркі мәдениеттің жаңыларын тұрғындау
мөнди. Ол жаңылардың бірінен шынайы Ақадемияның халықаралық
журналының 50-жылдық мерзімдегі тапшырымбыз "Мемлекеттің 20-ші
жылдарында" мәдениет жаңыларының тұрғындау мөнди.

Академияның тарихи деңгээлінде көрсетілген "Тарихи деңгээл" 1937
жылдан бері Ақадемияның тарихи деңгээлінде көрсетілген жаңылар
бірінен шынайы Ақадемияның халықаралық журналының 50-жылдық
мерзімдегі тапшырымбыз "Ақадемияның 20-ші жылдарында" мәдениеттің 20-ші

жылдарында" мәдениеттің жаңыларының тұрғындау мөнди. 20-ші жылдарында
Ақадемияның тарихи деңгээлінде көрсетілген жаңылардың бірінен шынайы Ақадемияның

халықаралық журналының 50-жылдық мерзімдегі тапшырымбыз "Ақадемияның 20-ші
жылдарында" мәдениеттің жаңыларының тұрғындау мөнди. Ақадемияның тарихи деңгээлінде
көрсетілген жаңылардың бірінен шынайы Ақадемияның халықаралық журналының 50-жылдық
мерзімдегі тапшырымбыз "Ақадемияның 20-ші жылдарында" мәдениеттің жаңыларының тұрғындау мөнди.

Ақадемияның тарихи деңгээлінде көрсетілген жаңылардың бірінен шынайы Ақадемияның халықаралық журналының 50-жылдық мерзімдегі тапшырымбыз "Ақадемияның 20-ші жылдарында" мәдениеттің жаңыларының тұрғындау мөнди. Ақадемияның тарихи деңгээлінде
көрсетілген жаңылардың бірінен шынайы Ақадемияның халықаралық журналының 50-жылдық
мерзімдегі тапшырымбыз "Ақадемияның 20-ші жылдарында" мәдениеттің жаңыларының тұрғындау мөнди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Мирзиев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси булиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжаллаиган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кеңгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент “Ўзбекистон”, 2017. –104 б.

2. “Электрои хукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.

3. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қоиуни. 2003 йил 11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

4. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қоиуни. 2004 йил 29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.

5. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 йил 11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

6. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2004 йил 29 апрель. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 232-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

№184-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2016 й., 23-сон, 265-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли Қарори. – Кириш тартиби: www.lex.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4702-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2015 й., 5-сон, 52-модда. 3-5 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида”ги № 188-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2016 й., 23-сон, 269-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Электрои ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармогини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №262-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2016 й., 33-сон, 396-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июнидаги “2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлатириш комплекс дастури” тўғрисидаги ПҚ-1989-сонли Қарори (ДСП).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат

қўмитаси ҳузурида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисидаги” 250-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2013 й., 38-сон, 492-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда.

14. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6 (766)-сон, 70-модда. 25-150 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 26(786)-сон, 576-модда. 9-13 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5139-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 32(792)-сон, 795-модда. 210-227 б.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 9 сентябрь, 180 (6874)-сони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989 Қарори (ДСП сифатида).

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6(766)-сон, 70-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz>.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/19/5635/2502-сон. 18.01.2019 й.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 деқабрдаги “Ахолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/07/5278/0404-сон.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/18/5308/0610-сон.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев хузурида 2018 йил 9 январь куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлайтириш вазирлиги раҳбарлари ҳисоботи юзасидан ўтказилган мажлис баёни.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПФ-5349-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/18/5349/0792-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 1 июндан “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тұғрисида” ги 3021-сонли қарори. ҚҲММБ: 10/18/3021/1340-сон.

27. Зайнидинов Х.Н., Артикова М.А., Қорабоев Ж.Ф. Бошқарувда ахборот технологиялари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. -Т.: “Akademiya”, 2014., 200 бет.

28. Зайнидинов Х.Н., Якубов М.С., Қорабоев Ж.Ф. Электрон ҳукумат. Монография, Тўлдирилган 2-нашр, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Курс ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, -Т.: “Akademiya”, 2014., 273 бет.

29. Зайнидинов Х.Н., Қорабоев Ж.Ф., Артикова М.А. Бошқарувда ахборот технологиялари. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 112 бет.

30. Усманов А.И., Қорабоев Ж.Ф., Рахматуллаева Ш.Қ. Давлат ва ташкилот бошқарувида ахборот-коммуникация технологиилари. Т.: “Akademiya”, 2009., 163-бет.

31. Рахманов Қ.С. “Электрон ҳукумат” тизимиини ривожлантиришда мотивациянинг аҳамияти. Таълим жараённанда ахборот технологияларининг янги имкониятлари. Proceedings of the International Scientific-Practical and Spiritual-Educational Conference Dedicated to the 1235th Anniversary of Muhammad

al-Khwarizmi International Conference on «Importance of information-communication technologies in innovative development of sectors of economy» April 5 – 6, 2018. Tashkent, Uzbekistan, 545-549 бет.

32. Рахманов К.С. Давлат хизматчиларини тайёрлашда хорижий давлатлар тажрибаси. “Давлат бошқаруvida кадрлар сиёсатининг муаммо ва ечимини излаш” мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллар тұплами. Тошкент, 2018 йыл 25 май. 30-33 б.

33. Рахманов К.С. Интерактив давлат хизматларини такомиллаштиришнинг долзарбилиги. “Интерактив давлат хизматларини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари” мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тұплами. Тошкент, 2018 йыл 14 апрель. 96-100 б.

34. Рахманов К.С. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда интерактив давлат хизматларининг үрни. “Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари ва долзарб муаммолари” мавзууда республика илмий-амалий конференцияси материаллар тұплами. Олий ҳарбий божхона институти. Тошкент, 2018., 205-207 б.

Электрон таълим ресурслари:

35. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Хукумат порталаи.

36. prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

37. my.gov.uz – Ягона интерактив давлат хизматлари порталаи.

38. ijgo.gov.uz – Ягона идоралараро ижро интизоми электрон тизими порталы.

39. www.mitc.uz – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайти.
40. id.gov.uz. – Ўзбекистон Республикаси Ягона идентификация тизими.
41. www.uz – Ўзбекистон Республикаси миллий қидирув тизими.
42. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
43. www.norma.uz – Ўзбекистон ахборот ҳукукий портали.
44. www.data.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали.
45. www.intuit.ru – ИНТУИТ миллий очик университет.
46. www.egov.kz – Қозоғистон Республикаси электрои ҳукумат портали.
47. www.gosuslugi.ru – Россия Федерацияси давлат хизматлари портали.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ	7
1.1. Ахборот – давлат бошқарувининг асоси	7
1.2. Ахборот тизимларининг давлат бошқарувидаги ўрни ...	9
1.3. Хорижий мамлакатларда давлат хизматчиларининг ахборот тизимларидан фойдаланиш тажрибаси.....	24
2-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ	30
2.1. Ўзбекистонда давлат хизматчиларини ахборот тизимларидан фойдаланишининг жорий ҳолати	30
2.2. Ахборот тизимлари жорий этилишидан олинадиган самара	36
2.3. Давлат ташкилотларида Президент виртуал қабулхонаси тизимида ишлашни самарали ташкил этиш	46
3-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИДА ИЖТИМОЙИ ТАРМОҚ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ВА ИНФОГРАФИКА	63
3.1. Давлат хизматчисининг ижтимоий тармоқ ва электрон пochtадан фойдаланиши.....	63
3.2. Маълумотларни етказиб беришда инфографиканинг аҳамияти	67
ХУЛОСА	86
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	88

Рахманов Қ.С., Алимов Б.Б.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИННИГ ФАОЛИЯТ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Рисола

Мухаррир Гулчехра Ализова

Мусақдих Манзура Бақтиёр

Садиғаловчи Барно Баҳрамова

Лицензия АI № 168. 23.12.2009.

Босишга 29.07.2019 й. да руҳсат этилди. Бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$.

«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.

Шартли б.т. 6,0. Нашр т. 6,0. Адади 100 нусха.

Буюргма № 30-07.

«Tafsakkur qavotisi» нашриёти.

Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кӯчаси, 13-үй.

Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй.

«HIGH TECHPRINT» ХК босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Чилонзор, 42/В.